

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ТЎПЛАМИ

47-сон
(911)
2019 йил
25 ноябрь

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

873. «Инфляцион таргетлаш режимига босқичма-босқич ўтиш орқали пул-кредит сиёсатини такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 18 ноябрдаги ПФ-5877-сон Фармони
874. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 22 ноябрдаги ПФ-5881-сон Фармони
875. «Нефть ва газ геология-қидирув ишларини ташкил этиш ва олиб бориш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 18 ноябрдаги ПҚ-4522-сон қарори
876. «Тошкент шаҳрида Беларусь-Ўзбекистон қўшма тармоқлараро амалий техник квалификациялар институтини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 ноябрдаги ПҚ-4524-сон қарори

877. «Мамлакатда бизнес муҳитини янада яхшилаш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 ноябрдаги ПҚ-4525-сон қарори
878. «Ядро физикаси институти илмий-тадқиқот фаолиятини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 ноябрдаги ПҚ-4526-сон қарори

Бешинчи бўлим

879. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2019 йил 17 октябрдаги 12-сон «Қаттиқ маиший чиқинди полигонларини лойиҳалаштириш ва улардан фойдаланиш бўйича йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 19 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3197*)
880. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг 2019 йил 31 октябрдаги 34, 28-сон «Ҳарбий-техника мутахассисликлари бўйича тайёргарликдан ўтиши лозим бўлган чақирилувчиларни тайёрлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 20 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2575-1*)
881. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 26 октябрдаги 26/2-сон «Банк хизматлари истеъмолчилари билан ўзаро муносабатларни амалга оширишда тижорат банкларининг фаолиятига қўйиладиган минимал талаблар тўғрисидаги низомга қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 22 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3030-3*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2019 йил 16 ноябрдан 22 ноябргача бўлган маълумот

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

873 Инфляцион таргетлаш режимига босқичма-босқич ўтиш орқали пул-кредит сиёсатини такомиллаштириш тўғрисида*

Инфляция даражасини янада пасайтириш борасидаги чора-тадбирларнинг амалга оширилиши аҳоли турмуш даражасини яхшилаш ва барқарор иқтисодий ўсиш учун шароитлар яратишга қаратилган иқтисодий ислохотлар самарадорлигини таъминлашнинг муҳим омили ҳисобланади.

Халқаро тажриба бозор иқтисодиёти шароитида пул-кредит сиёсатини юритишнинг самарали усулларида бири инфляцион таргетлаш режими эканлигини кўрсатмоқда, бунда пул-кредит бозоридаги марказий банкнинг фаол иштироки, шунингдек, иқтисодий ривожланишнинг мунтазам таҳлили ва давлат сиёсати режаларининг кенг ёритиб борилиши инфляциянинг миқдорий мақсадларига эришишни таъминлайди.

Шу билан бирга, инфляцион таргетлаш режимини жорий этиш Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Вазирлар Маҳкамасининг қуйидаги йўналишларга қаратилган мувофиқлаштирилган тайёргарлик ишларини талаб этади:

инфляциянинг номонетар омиллари ролини босқичма-босқич пасайтириш, шу жумладан, тарифларни тартибга солишни ислох қилиш, иқтисодиётнинг реал секторида таркибий иқтисодий ислохотлар самарадорлигини таъминлаш ва ички бозорни истеъмол товарлари билан тўлдириш;

Марказий банкнинг макроиқтисодий таҳлил ва коммуникация сиёсати сифатини ошириш;

регуляторнинг кредит бозорига самарали таъсир этишини таъминлаб беврувчи, пул бозорини тартибга солишнинг янги инструментларини жорий этиш.

Макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш учун иқтисодиётни тартибга солишнинг бозор механизмлари ва инструментларини қўллашни кенгайтириш, шунингдек, пул-кредит сиёсати самарадорлигини тубдан ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки инфляция даражасини 2021 йилда 10 фоизгача пасайтириш ҳамда 2023 йилда 5 фоиз даражадаги доимий инфляцион мақсадни (таргет) ўрнатиш йўли билан 2020 йилнинг 1 январидан бошлаб пул-кредит сиёсати механизмларини босқичма-босқич инфляцион таргетлаш режимига ўтказишни таъминласин.

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 20 ноябрда эълон қилинган.

2. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки пул-кредит сиёсатининг асосий тамойиллари этиб белгилансин:

инфляциянинг доимий амал қиладиган мақсадини белгилаш ва уни кенг жамоатчиликка етказиш;

пул бозоридаги фоиз ставкаларини тартибга солиш ва инфляцион жараёнларни бошқариш мақсадида пул-кредит сиёсатининг кенг қамровли инструментларини қўллаш;

пул-кредит сиёсати соҳасида объектив қарорлар қабул қилиш мақсадида ички ва ташқи бозорларда мавжуд бўлган очиқ маълумотларни ҳисобга олган ҳолда батафсил макроиқтисодий таҳлил ва прогнозларни амалга ошириш;

пул-кредит сиёсати мақсадларини кенг жамоатчиликка етказиш, макроиқтисодий ҳолатнинг олдиндан кўра билинишини таъминлаш ва бозор иштирокчилари ишончини шакллантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг коммуникация сиёсатини такомиллаштириш.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Марказий банки инфляцион таргетлаш режимига тўлиқ ўтиш учун шароитлар яратиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилишини таъминласин, хусусан:

мувофиқлаштирилган монетар-фискаль ва монополияга қарши сиёсат юритиш;

рақобатдош бозор иқтисодиётига ўтишни тезлаштириш, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар рақобатбардошлигини ошириш ҳамда товарлар ва хизматларнинг тўлақонли бозорларини шакллантириш орқали иқтисодиёт тармоқларида таркибий ислохотларни амалга оширишни давом эттириш;

монополияга қарши курашиш ва нархларни тартибга солишнинг замонавий усулларига ўтишга, шунингдек, ишлаб чиқариш инфратузилмасини кенгайтиришга йўналтирилган тартибга солинадиган нархларни босқичма-босқич эркинлаштириш;

жамғармаларни инвестицияларга трансформация қилиш учун молиявий воситачилик институтларини ривожлантириш мақсадида банк тизими ҳамда молия бозорларини ислох этиш, шунингдек, молиявий оқимларни узок муддатли режалаштириш учун имконият яратиш.

4. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Марказий банкининг инфляцияни пасайтириш ва нархлар барқарорлигини таъминлаш бўйича биргаликдаги ҳаракатлари концепцияси (кейинги ўринларда — Концепция) 1-иловага мувофиқ;

2020 йилда инфляцияни пасайтириш ва нархлар барқарорлигини таъминлаш бўйича «Йўл харитаси» (кейинги ўринларда — «Йўл харитаси») 2-иловага* мувофиқ маъқуллансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қуйидагиларни жорий этиш орқали пул-кредит сиёсати инструментлари, механизмлари ва жараёнларини инфляцион таргетлаш режими стандартларига мувофиқлаштириш чораларини кўрсин:

* 2-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

2020 йилнинг 1 январига қадар пул бозори фоиз ставкаларига таъсир кўрсатувчи бозор инструментлари, шу жумладан Марказий банк облигациялари, овернайт депозитлар, доимий тусдаги депозит аукционлари, давлат қимматли қоғозлари ва хорижий валюта гарови остида кредит аукционлари ва овернайт кредитлари;

2020 йил давомида фоиз ва валюта хатарларини бошқаришда ҳосилавий инструментлар (своп, опцион ва фьючерслар) ва тижорат банкларининг валюта курси шаклланишидаги ролининг босқичма-босқич ошириб борилиши;

бир ой муддатда Марказий банкнинг банклараро пул бозорига мунтазам интервенцияси орқали мослашувчан фоиз сиёсатини амалга оширишда асосий фоиз ставкасининг фоиз коридори механизми;

2020 йилнинг 1 апрелига қадар халқаро молия институтларининг техник кўмаги ҳамда илғор халқаро тажриба асосида эконометрик моделлаштириш инструментларини ривожлантиришни назарда тутувчи макроиқтисодий таҳлил ва прогнозлаш тизими;

икки ой муддатда Марказий банк томонидан иқтисодиётдаги жорий ҳолат, инфляция жараёнларнинг асосий омиллари ва пул-кредит сиёсати чораларининг ўз вақтида ёритилишини кўзда тутувчи коммуникацион сиёсатнинг замонавий тамойиллари;

инфляция ва инфляцион кутилмалар омилларини доимий ўрганиб бориш, халқаро молия институтлари ва бошқа давлатлар марказий банклари техник кўмагини жалб этиш орқали илғор хорижий тажрибани ўрганиш.

6. Инфляция даражасини пасайтириш ва нархлар барқарорлигини таъминлаш борасидаги чора-тадбирларни мувофиқлаштириш бўйича комиссия (кейинги ўринларда — Комиссия) 3-иловага* мувофиқ таркибда ташкил этилсин.

Қуйидагилар Комиссиянинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

инфляция омиллари ва нархлар ошишига олиб келаётган сабабларни бевосита жойига чиққан ҳолда таҳлил этиш ва танқидий баҳолаб бориш;

барча вазирлик ва идоралар саъй-ҳаракатларини иқтисодиётда инфляция даражасини пасайтириш ҳамда амалга оширилаётган сиёсатнинг ўзаро мувофиқлигини таъминлашга қаратиш;

республика пул-кредит сиёсатини инфляцион таргетлаш режимига ўтказишга қаратилган чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва самарали ижро этилишидаги камчилик ва муаммоларни аниқлаш, шунингдек, уларни бартараф этиш ҳамда ушбу соҳадаги ваколатли орган ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

ваколатли орган ва ташкилотлар раҳбарлари ва бошқа вакиллари иштирокида ҳар ойда камида икки марта ички бозорда нархларни барқарорлаштириш ва инфляцияни пасайтиришга қаратилган чора-тадбирлар ижросини муҳокама қилишни ташкиллаштириш, шунингдек, амалга оширилган ишлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот киритиб бориш.

7. Белгилансинки:

* 5-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

2020 йил 1 январдан бошлаб тижорат банклари томонидан (миллий валютада) янгидан бериладиган барча турдаги кредитлар, шу жумладан давлат дастурлари доирасида ажратиладиган кредитлар бўйича фоиз ставкалари Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасидан кам бўлмаган даражада белгиланади, ипотекани кредитлаш бўйича давлат дастурлари ҳамда пахта хом ашёси ва бошоқли дон экинларини етиштириш учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарга ажратиладиган кредитлар бундан мустасно;

2021 йил 1 январдан, зарур ҳолларда, фоиз харажатларининг маълум бир қисмини компенсация қилиш механизмларини жорий этиш орқали тижорат банкларига фоиз ставкаларини мустақил белгилаш ҳуқуқини берган ҳолда кредитларни имтиёзли фоиз ставкаларида бериш амалиёти бекор қилинади.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

2020 йилнинг 1 февралига қадар Энергетика вазирлиги, Монополияга қарши курашиш қўмитаси, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2020-2021 йилларда тартибга солинадиган нархлар (тарифлар)ни, инфляция мақсадларига таъсирини ҳисобга олган ҳолда эркинлаштириш графигини ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин;

умумий фискал баланс тақчиллигини 2022 йилда 1,5 фоиздан ошмайдиган даражагача босқичма-босқич камайтиришни таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг белгиланган параметрлар доирасидаги қатъий ижросини, шунингдек, Марказий банк билан биргаликда солиқ-бюджет ва пул-кредит сиёсати мувофиқлигини таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги Молия вазирлиги ва Марказий банк билан биргаликда 2020 йилнинг 1 июлига қадар норезидентларга молия бозорига киришга рухсат бериш шартлари, механизмлари ва муддатлари бўйича таклифларни юзага келиши мумкин бўлган салбий оқибатларини бартараф қилишнинг аниқ механизмлари ва инструментларини ишлаб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Марказий банки:

Концепция ва «Йўл харитаси»нинг сифатли ва ўз вақтида ижро этилишини;

«2019 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида таркибий ислохотлар асосий йўналишларининг «Йўл харитаси»ни амалга оширишни таъминлаш бўйича Иқтисодий кенгаш йиғилишларида солиқ-бюджет ва пул-кредит сиёсати мувофиқлиги ҳамда таркибий ислохотларнинг амалга оширилиши ҳолати масалаларини кўриб чиқиш ва муҳокама қилишни;

жаҳон бозорларидаги реал вазиятнинг ривожланиши ва таркибий иқтисодий ислохотларнинг амалий натижаларидан келиб чиққан ҳолда мослашувчан макроиқтисодий сиёсат юритиш, шунингдек, инфляциянинг узок муддатли мақсадли кўрсаткичи (таргети) даражасигача пасайишини;

«Йўл харитаси»нинг амалга оширилиши ва нархлар барқарорлигини таъминлаш бўйича кўрилатган чоралар самарадорлиги тўғрисидаги маълумотларни, шунингдек, инфляция бўйича қўйилган мақсадга эришиш омиллари ва хатарларини кўрсатган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ҳар чоракда маълумот киритиб боришни таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Молия вазирлиги ва Монополияга қарши курашиш қўмитаси билан биргаликда 2020 йилнинг 1 апрелига қадар Жаҳон банкнинг техник қўмаги асосида ишлаб чиқиладиган Молиявий оммабопликни ошириш миллий стратегияси доирасида молиявий саводхонликни оширишга йўналтирилган чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

13. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси М.Б. Нурмуратов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 18 ноябрь,
ПФ-5877-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2019 йил 18 ноябрдаги
ПФ-5877-сон Фармони
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва
Марказий банкнинг инфляцияни пасайтириш ва
нархлар барқарорлигини таъминлаш бўйича
биргаликдаги ҳаракатлари
КОНЦЕПЦИЯСИ**

Ушбу Концепциянинг мақсади чуқур таркибий ислохотлар ўтказиладиган шароитда иқтисодиётда инфляция даражасини пасайтиришни таъминлаш ҳисобланади.

Концепция пул-кредит сиёсатини такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини, шунингдек, солиқ-бюджет сиёсати ва иқтисодиёт тармоқларининг таркибий ўзгариши соҳаларидаги зарурий чора-тадбирларни белгилайди.

1-боб. Инфляция омиллари таҳлили

Тартибга солинадиган нархлар (тарифлар) ҳамда давлат секторида иш ҳақининг йиллик ошириб борилиши, шунингдек, пул-кредит сиёсатининг ўзига хосликлари (иқтисодиётдаги пул массаси ўсиши билан биргаликда олтин-валюта захираларининг жамғариб борилиши, миллий валютанинг доимий девальвацияси ва спекулятив курсли параллел валюта бозорининг мавжудлиги) республикада олдинги йилларда шаклланган инфляциянинг фундаментал омиллари бўлиб ҳисобланиб келмоқда.

Йиллар давомида йиғилиб келган инвестицион етишмовчилик ва иқтисодиётда шаклланган номутаносибликлар мамлакатни ривожлантиришнинг янги босқичида ушбу муаммоларни ҳал қилиш учун муҳим қадамлар ташлашни тақозо этмоқда.

Иқтисодиётдаги ушбу ижобий таркибий ўзгаришлар шароитида иқтисодиётда инфляция босимининг объектив (муқаррар) шаклланиши кузатилди.

Ушбу жараёнда қуйидагилар асосий омиллар сифатида намоён бўлмоқда:

а) оширилган иқтисодий, кредит ва инвестицион фаоллик. Ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини модернизация қилиш вазифалари, ҳудудларда аҳоли турмуш шароитларини яхшилаш зарурияти, аграр соҳадаги ислохотлар, давлат секторида иш ҳақи даражасидаги тузатишлар, тадбиркорлик фаолияти ривожланиши ва аҳолининг ўзини ўзи иш билан таъминлаши учун шарт-шароитлар яратиш бўйича чоралар иқтисодиётга сезиларли молиявий ресурслар йўналтирилишини талаб этди;

б) тартибга солинадиган нархларни эркинлаштириш. Нархларни тартибга солиш тизимини ислоҳ қилиш ва бозор нархларини шакллантиришга ушбу товар ва хизматларнинг мазкур гуруҳ томонидан инфляцион босимини шакллантиради.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, нархларни эркинлаштириш жараёнининг кечиктирилиши ислохотлар самарадорлигини пасайтириши ва натижада узоқ муддатли инфляцион кутилмаларни юзага келтириши мумкин. Тартибга солинадиган нархларни бозор даражасига етказиш иқтисодиётнинг тегишли секторига хусусий капитални жалб қилишни таъминлашга имкон беради.

Бунда, нархларнинг маъмурий тартибга солиш тизимининг ислоҳ қилиниши ва тарифларнинг босқичма-босқич ошириб борилиши мазкур товарлар ва хизматлар гуруҳи томонидан маълум даражадаги инфляцион босимни юзага келтириши мумкин;

в) номинал иш ҳақларининг коррективировкаси. Сўнгги икки йилда аҳоли реал даромадларининг ўртача йиллик ўсиши 10 — 12 фоизни ташкил этди. Иқтисодиётнинг эркинлаштирилиши унинг айрим соҳаларида малакали мутахассисларга бўлган талаби натижасида уларнинг иш ҳақлари секин-аста ошиб боришига олиб келди;

г) ташқи савдони эркинлаштириш ҳамда товарлар, хизматлар, меҳнат ресурслари ва товарлар трансчегаравий олиб ўтилишининг соддалаштирилиши. Ташқи савдонинг эркинлаштирилиши ва импортнинг ўсиши шарои-

тида валюта курсининг ўзгариши ҳам импорт, ҳам маҳаллий товарлар нархларининг шаклланишига сезиларли таъсир кўрсатди.

2018 йилда нисбатан барқарор валюта курси шароитида баъзи товарлар импорти нархлар барқарорлашувига таъсир кўрсатган бўлса, мева ва сабзавотлар нархлари қўшни давлатлардаги нархлар даражасигача коррективировка қилиниб олди. Айни вақтда, жорий йилда девальвациянинг тезлашиши иқтисодиётдаги нархлар даражасига салбий таъсир кўрсатди.

Макроиқтисодий барқарорлик, сифатли иқтисодий ўсишга ва паст даражадаги инфляцияга эришиш нафақат пул-кредит сиёсати инструментларини қўллаш орқали, балки қуйидагиларни ўз ичига олган комплекс ёндашув билан таъминланади:

маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг рақобатдошлигини оширишга урғу берган ҳолда, тартибга солинадиган нархларни босқичма-босқич эркинлаштириш;

рақобатбардош бозор иқтисодиётига ўтишни тезлаштириш ҳамда товар ва хизматларнинг тўлақонли бозорини шакллантириш орқали иқтисодиёт тармоқларидаги таркибий ўзгаришларни амалга оширишни давом эттириш;

ишлаб чиқариш, транспорт ва ижтимоий инфратузилмани кенгайтириш ва модернизация қилиш;

хусусий инвестициялар киришини кўпайтириш ва молия бозорини ривожлантириш орқали молиявий ресурсларнинг самарали қайта тақсимланишини таъминлаш, шунингдек, молия бозорида «узок муддатли» пуллар манбасини шакллантириш.

2-боб. Пул-кредит сиёсатини такомиллаштириш ва инфляцион таргетлашга ўтиш

Чуқур таркибий ўзгаришлар ва иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида пул-кредит сиёсатини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

нархларнинг кескин ошиши ва спирал характердаги инфляциянинг олдини олиш;

миллий валюта курсига нисбатан девальвацион босимни ушлаб туриш;

пул бозорини шакллантириш, имтиёзли кредитлаш ва пул бозори сегментлашуви шароитларини бартараф этиш;

ички ва ташқи омилларни ҳисобга олган ҳолда аҳоли ва бизнеснинг тўловга лаёқатлилигини сақлаб туриш ва умуман, молия секторининг барқарорлигини таъминлаш.

Илғор халқаро тажрибани инобатга олган ҳолда, юқорида келтирилган устувор йўналишларнинг амалга оширилиши пул-кредит сиёсати шароитларини инфляцион таргетлаш режимига ўтказишни талаб қилмоқда.

Инфляцион таргетлаш ўзида шундай пул-кредит сиёсати режимини акс эттирадики, унда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан инфляция даражаси бўйича доимий мақсад (таргет) эълон қилинади ва унинг

ҳаракатлари пул-кредит инструментлари ва коммуникациядан фаол фойдаланган ҳолда жорий инфляцияни унинг мақсадли кўрсаткичига етказишга йўналтирилади.

Инфляцион таргетлаш режими ҳам ривожланган, ҳам ривожланаётган мамлакатларда ўзининг кенг қамровли татбиқини топган. Мазкур режим инфляциянинг тебранувчанлиги ва инерционлигини пасайтиришда самарали инструмент ҳисобланади ва бу, ўз навбатида, ўрта муддатли истиқболда мустаҳкам ва барқарор иқтисодий ўсиш учун кўшимча шароитлар яратди.

Бундан ташқари, бу режимда инфляциянинг мақсадли кўрсаткичларига эришишда Марказий банк ҳаракатларида катта эркинлик, мақсадлар ва пул-кредит сиёсати мақсадлари ва устуворликларининг аниқ идентификацияси, шунингдек, Марказий банкнинг инфляциянинг мақсадли кўрсаткичларига эришишда жавобгарлиги кўзда тутилади. Жамоатчилик учун Марказий банк фаолиятининг юқори даражада шаффофлиги иқтисодиётда мақбул иқтисодий кутилмалар шаклланишига имкон яратади.

Инфляцион таргетлаш режимини самарали жорий қилиш учун пул-кредит сиёсати инфляциянинг белгиланган мақсадли даражасига эришиш заруриятидан келиб чиқиб, бозор инструментлари таъсирини қўллаган ҳолда банклараро пул бозоридаги фоиз ставкаларини Марказий банк интервенциялари орқали самарали бошқариш йўли билан амалга оширилиши лозим.

Ўрта муддатли даврда инфляцион таргетлаш режимини тўлиқ жорий этиш учун қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилади:

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг инфляциянинг монетар ва номонетар омилларини пасайтиришдаги ролини кучайтириш;

инфляциянинг қисқа муддатли мақсадлари траекториясини аниқлаш ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан узоқ муддатли мақсадга ўтишни эълон қилиш;

Марказий банк томонидан янги инструментларнинг (овернайт, депозит ва кредит аукциони, своп, РЕПО, қисқа ва ўрта муддатли облигациялар ва бошқалар) жорий этилиши;

пул бозоридаги операцияларнинг асосий мезони сифатида фоиз ставкалари коридорини қўллаш;

мослашувчан фоиз сиёсатини олиб бориш орқали ташқи ва ички омилларга ўз вақтида жавоб бериш;

давлат қимматли қоғозлари билан пул бозори операцияларини амалга ошириш ва ғазначиликнинг бўш пул маблағларини тижорат банкларига жойлаштириш учун ягона платформа яратиш;

қимматли қоғозлар бўйича даромадлилик эгри чизигини шакллантириш ва иқтисодиёт субъектларининг узоқ муддатли кутилмаларини самарали бошқариш;

эконометрик моделлаштириш инструментларини ривожлантириш, макроиқтисодий таҳлил ва прогнозлаштириш тизимини тўлиқ татбиқ этиш орқали пул-кредит ва макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ўзаро боғлиқлигини тизимли баҳолаш;

инфляцион таргетлаш режимининг моҳияти ва мақсадлари, уни муваффақиятли амалга ошириш шарт-шароитлари, бевосита ва билвосита ижобий таъсирлари ҳамда унга эришишнинг мақсадли муддатлари тўғрисидаги маълумотларни кенг жамоатчиликка холисона, аниқ ва содда усулда етказиш орқали Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг коммуникация сиёсатини такомиллаштириш;

пул-кредит сиёсатининг ўрта ва узоқ муддатли истиқболда макроиктисодий кўрсаткичлар динамикасига таъсирини баҳолаш бўйича эконометрик моделларни қўллаш.

Банклараро пул бозори фоиз ставкасига таъсир кўрсатиш Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига молия бозорида шарт-шароит шаклланишига имкон беради ҳамда бу иктисодий ҳолат талабларидан келиб чиқиб, пул-кредит сиёсати мақсадларига эришишни таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки пул бозоридаги ликвидлик ҳажмини баҳолайди ва прогноз қилади, маблағлар тақчиллиги ёки ортиқчалигини, шунингдек, тегишли (ликвидлиликини тақдим этиш ва йиғиб олиш бўйича) инструментларнинг мавжудлигини аниқлайди.

Банк тизимида ликвидлилиikka бўлган талаб ва таклиф ўртасида номуаносиблик юзага келганда, доимий ҳаракат операциялари бўйича ставкалари банклараро пул бозоридаги ставкалар тебранишини ушлаб туради.

Шу билан бирга, мажбурий захираларни ўрта даражага келтириш механизми банклараро бозор ставкаларини бошқариш жараёнида қўшимча мослашувчанлик яратади. Ўрта муддатли истиқболда коэффициентнинг кўтарилиш томонга ўзгариши банкларнинг банклараро пул бозоридаги фаоллигини оширади ва бу орқали трансмиссия фоиз канали ишини мустаҳкамлайди.

Инфляцион таргетлаш режимига муваффақиятли ўтиш учун зарур шартлардан бири бу эркин шаклланидиган айирбошлаш курси бўлиб, унинг ўзгариши тўлалигича талаб ва таклифларнинг муҳим омилларига сабаб бўлади. Бу, ўз навбатида, банклараро валюта бозорини модернизация қилишни ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг валюта интервенцияси соҳасидаги сиёсатини тегишли равишда такомиллаштирилишини талаб этади.

Валюта бозори ривожланишидаги асосий омиллардан бири ички валюта бозорида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки фаоллигининг аста-секин пасайиши ва тижорат банкларининг маркет-мейкер сифатидаги ролининг оширилиши ҳисобланади.

Валюта курсининг мослашувчан шаклланишга ўтиш ва банклараро валюта савдоларини амалга ошириш валюта интервенцияси услубларини такомиллаштиришни назарда тутди. Шу муносабат билан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бозор фаолиятига аралашишни минималлаштиришга қаратилган ва айирбошлаш курсини аниқлашда унинг фундаментал ўзгариш трендига таъсир ўтказмайдиган Валюта интервенцияси стратегиясини ишлаб чиқишни назарда тутди.

Юқоридагиларни инобатга олиб, қуйидагилар, валюта бозорини эркин-

лаштириш жараёнини якунлаш орқали инфляцион таргетлашга ўтиш учун зарурий шартлардан ҳисобланади:

банкларнинг маркет-мейкер сифатида бозордаги фаоллигини рағбатлантириш ва уларнинг айирбошлаш курсини шакллантиришдаги ролини ошириш;

валюта интервенциялари сиёсатини такомиллаштириш ва уларнинг Ўзбекистон Республикаси Марказий банки интервенциялари мақсадлари ва усулларини белгилаб берувчи стратегия ва тактикаларини ишлаб чиқиш;

валюта бозори иштирокчиларига валюта хатарларини хеджирлаш имконини берувчи ҳосилавий инструментлар бозорини ривожлантириш.

Узоқ муддатли истиқболда нархлар барқарорлигини таъминлаш бутун молия тизимининг барқарор ишлашини талаб қилади. Бунда, барқарор макроиқтисодий шароитда ҳам банк секторида тизимли хатарлар шаклланиши мумкин.

Инфляцияни белгиланган мақсадга яқинлаштириш ва ушлаб туриш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, шу жумладан пруденциал назорат чоралари орқали молиявий хатарларни камайтириши зарур.

Банк назорати ҳамда банкларни молиявий соғломлаштириш чоралари. Тижорат банклари балансларини тозалаш улар барқарорлигининг ошишига, омонатчилар ва кредиторлар маблағларининг сақланишига, молия тизимига бўлган ишончнинг мустаҳкамланишига ва молия бозорларининг янада ривожланишига замин яратади.

Банк ва молия тизимлари учун хатарлар эҳтимолини камайтирувчи макропруденциал назорат чораларининг ўз вақтида ва самарали қўлланилиши иқтисодиётнинг мувозанатли ишлашига ҳамда макроиқтисодий барқарорликнинг таъминланишига имкон беради.

Инфляцион таргетлаш режимида нархлар барқарорлиги молиявий барқарорликни қўллаб-қувватлайди, чунки бозор иштирокчилари пул-кредит сиёсати ҳаракатларини олдиндан кўра билиши ва тушуниши сабабли иқтисодиёт субъектлари қарорларни қабул қилишда янада изчил бўладилар ва бу ноаниқлик элементларини бартараф қилишга ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг минимал иштироки билан бутун молия тизимини барқарорлаштиришга ёрдам беради.

Аҳоли ва тадбиркорларнинг банкларга ва миллий валютага бўлган ишончини ошириш банк тизимини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларидан ҳисобланади.

Мамлакатда ишончли банк тизими ва молия бозорининг фаолияти пул-кредит сиёсати таъсир каналларининг тўла ишлашига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан нархлар барқарорлигини таъминлаш бўйича кўрилаётган чоралар самарадорлигининг ошишига хизмат қилади.

Мазкур мақсадларга эришиш учун банк тизимини янада ривожлантириш бўйича қуйидагиларни ўз ичига олувчи комплекс чора-тадбирлар амалга оширилади:

банкларнинг мижозларга бўлган эътиборини ошириш;

мижозларга электрон ва масофавий хизмат кўрсатишни тўлиқ жорий

этиш орқали банк хизматлари сифати ҳамда аҳолининг банк ва бошқа молиявий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини яхшилаш;

банк хизматларини кўрсатиш тизимини ислоҳ қилиш ва банкларни трансформациялаш, корпоратив бошқарув сифатини ошириш;

самарали инфратузилмани яратиш, банклар фаолиятини автоматлаштириш ва замонавий молиявий технологияларни жорий этиш;

давлат банкларини ислоҳ қилиш жараёнини тезлаштириш ва уларни хусусийлаштириш бўйича самарали чоралар кўриш;

давлат банкларида банк хизматларини кўрсатишда тезкорликни ошириш, шу жумладан уларда ходимлар фаолияти самарадорлигининг асосий кўрсаткичлари (KPI) ижросини баҳолаш тизимини жорий этиш;

банклар томонидан ўрнатилган иқтисодий меъёрларга қатъий риоя қилинишини таъминлаш ва зарур бўлганда, айрим банкларнинг актив операцияларини вақтинча чеклаш чораларини қўллаш орқали пруденциал назорат чораларини кучайтириш.

3-боб. Вазирлар Маҳкамаси ва Марказий банкнинг инфляция даражасини пасайтириш бўйича биргаликдаги чоралари

Нархлар барқарорлигини таъминлаш ва инфляциянинг сезиларли даражада ўсиши хавфининг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Марказий банки солиқ-бюджет ва пул-кредит сиёсатларини мувофиқлаштириш ҳамда иқтисодиётдаги таркибий ислохотларни амалга ошириш борасида биргаликдаги ҳаракатларни олиб бориши зарур.

Солиқ-бюджет сиёсати соҳасидаги чора-тадбирлар:

умумий фискал баланс тақчиллигини 2022 йилда 1,5 фоиздан оширмайдиган даражагача босқичма-босқич қисқартириб бориш;

қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан бюджет интизомига риоя этилиши устидан самарали назоратни таъминлаш;

тақчилликни молиялаштиришнинг ташқи манбаларини, шу жумладан инфляция хавфини туғдирмайдиган ресурслар ҳисобига жалб қилиш тартибини белгилаш ва уни қонун йўли билан мустаҳкамлаш;

ижтимоий-иқтисодий мақсадларга йўналтирилган марказлашган инвестициялар самарадорлигини ошириш;

солиқ маъмуриятчилиги тизимида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш;

солиқ интизомига ўз вақтида риоя қилиш бўйича жавобгарликни ошириш ва солиқ тўлашдан бўйин товлаганлик учун жазонинг муқаррарлигини таъминлаш.

Таркибий сиёсат соҳасидаги чора-тадбирлар:

а) ишлаб чиқариш ва транспорт инфратузилмасини модернизация қилиш ва кенгайтириш:

ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш ва ёқилғи-энергетика ком-

плексини, шу жумладан хусусий инвестицияларни жалб қилиш орқали модернизация қилиш;

автомобиль йўлларини қуриш ва хизмат кўрсатишда давлат-хусусий шерикчилик механизмини қўллаш;

темир йўл ва ҳаво транспорти орқали юк ташиш соҳасига хусусий секторни жалб қилишнинг янги механизмларини ишлаб чиқиш;

кўрсатилаётган транспорт хизматлари тариф ва нархларини асосий ташқи савдо ҳамда сайёҳлик йўналишлари ўтадиган бошқа давлатлар даражасидан ошмайдиган даражагача тушириш;

логистика хизматлари, улгуржи савдо ва товарларни сақлаш инфратузилмаси сифатини ошириш;

б) рақобат муҳитини яхшилаш ва бизнес юритишнинг тенг имкониятларини яратиш:

мулк ҳуқуқи ва тадбиркорлик фаолияти кафолатларининг институционал асосларини мустаҳкамлаш;

рақобатбардош товар ва молия бозорларида фаолият юритувчи корхоналар устав капиталида давлат улушини камайтириш, шу жумладан табиий монополияларнинг асосий фаолиятига хос бўлмаган объектларини хусусий секторга сотиш;

монополь корхоналарнинг нарх белгилаш бўйича шаффофлигини таъминлаш, инфляциянинг мақсадларини ҳисобга олган ҳолда ўрта муддатли истиқболда тартибга солинадиган нархларни (тарифлар) эркинлаштириш муддатларини ўрнатиш;

индивидуал солиқ ва божхона имтиёзлари, субсидиялар, преференциялар ва имтиёзли кредитлар бериш амалиётини танқидий қайта кўриб чиқиш;

давлат харидлари соҳасида бозор механизмларини ривожлантириш, уларнинг шаффофлиги ва ҳисобдорлигини ошириш;

нархларни эркинлаштириш бўйича ислохотларнинг моҳияти, мақсади, амалга ошириш босқичлари ва эришилган натижаларни тушунтириш ва асослаш бўйича фаол коммуникация сиёсатини юритиш;

в) хусусий инвестициялар оқимининг ўсиши ва молия бозорининг ривожланиши:

қарзларни молиялаштириш инструментларини кенгайтириш;

маҳаллий корхоналар акцияларини жаҳон фонд майдонларида бирламчи ва иккиламчи жойлаштириш жараёнларини фаоллаштириш;

акциядорлик компанияларини ташкил этиш ва тугатиш механизмини соддалаштириш;

электр ва газ таъминоти соҳасига хусусий инвесторлар ҳамда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни рақобат асосида киришига имконият яратиш ва уларни фаол жалб этиш;

г) ишлаб чиқариш омиллари унумдорлигини ошириш:

ишлаб чиқариш унумдорлигини оширишга ва энергия сарфини пасайтиришга қаратилган модернизациялаш ва технологик янгилаш тармоқ дастурларини амалга ошириш;

унумдорликни рағбатлантириш ҳамда сифатни оширишга қаратилган давлат дастурларини амалга ошириш ва ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун ер ажратиш орқали қишлоқ хўжалигини ривожлантириш стратегиясини самарали амалга ошириш;

меҳнат унумдорлигини ошириш ва меҳнатга муносиб ҳақ тўлаш орқали тармоқлар тайёр маҳсулотлари таннархи таркибидаги харажатларни оптималлаштириш;

халқаро стандартлар ва нормативларни жорий этиш орқали энергия самарадорлигини ошириш бўйича махсус тармоқ дастурларини амалга ошириш;

давлат улушига эга корхоналар фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ошириш мақсадида уларнинг самарадорлик рейтингини эълон қилиб бориш;

асбоб-ускуналарнинг самарадорлиги ва унумдорлиги, шу жумладан, фойдаланиш муддатлари бўйича талабларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.

4-боб. Кутилаётган натижалар

Пул-кредит сиёсатининг такомиллаштирилиши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Марказий банки томонидан мувофиқлаштирилган ҳаракатларнинг амалга оширилиши иқтисодиётда нархлар барқарорлигига ва инфляциянинг 5 фоизлик даражаси бўйича узоқ муддатли мақсадга эришишни таъминлайди.

Нархлар барқарорлиги аҳолининг турмуш даражаси, ишчанлик фаоллигига, уларнинг миллий валютага бўлган ишончининг мустаҳкамланишига, иқтисодиётда долларлашув даражасининг пасайишига, миллий иқтисодиётга ички ва ташқи инвестицияларнинг ўсишига ижобий таъсир кўрсатади.

Шу билан бирга, кўрсатилган чора-тадбирларнинг самарали амалга оширилиши иқтисодиёт агентларининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан амалга оширилаётган пул-кредит сиёсатига бўлган ишончининг ошишига хизмат қилади ва бу, ўз навбатида, инфляцион кутилмаларни сезиларли даражада пасайтириш имконини беради.

Барқарорликни, шунингдек, иқтисодий сиёсат шаффофлиги ва олдиндан кўра билинишини таъминлаш мамлакатнинг инвестицион жозибadorлигини оширади, кредитлашнинг ташқи манбалари бўйича таваккалчилик мукофотини камайтириш омили бўлиб хизмат қилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ

**874 Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим
хужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 майдаги «Ўзбекистон Республикаси ва хорижий мамлакатлар ўртасида икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиялар (қўмиталар, кенгашлар ва ишчи гуруҳлар)нинг Ўзбекистонга оид қисмлари фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–4331-сон ва 2019 йил 24 майдаги «Экспорт фаолиятини молиялаштириш ва суғурта ҳимояси механизмларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–4337-сон қарорларига мувофиқ, шунингдек, давлат активларидан фойдаланиш самардорлигини ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим хужжатларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 22 ноябрь,
ПФ–5881-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2019 йил 22 ноябрдаги
ПФ–5881-сон Фармонига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим
хужжатларига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 декабрдаги ПФ–5286-сон Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари асосида экспорт қилинадиган буюмлар ва маҳсулотлар рўйхатининг рус тилидаги матни «Код ТН ВЭД» устуниди:

1-позициядаги «0101 – 0105» рақамлари «0101 — 0105 (кроме 0105 11, 0105 9400 00)» сўзлари билан алмаштирилсин;

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 23 ноябрда эълон қилинган.

2-позициядаги «0208 90 700 0» рақамлари «0208 90 700 0, 0209» рақамлари билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 августдаги ПФ–5515-сон Фармони билан тасдиқланган Тошкент шаҳрининг бошқарув тизимини тубдан ислох қилиш бўйича «йўл харитаси»нинг рус тилидаги матни 31-позицияси «Наименование мероприятий» устуни учинчи хатбошисидан «на условиях государственно-частного партнерства» сўзлари чиқариб ташлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 январдаги «Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари ва хорижий мамлакатлар билан икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиялар (қўмиталар ва кенгашлар)нинг Ўзбекистонга оид қисмлари фаолиятини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–2732-сон қарорининг рус тилидаги матнида:

а) номланишидан «и узбекских частей межправительственных комиссий (комитетов и советов) по двустороннему сотрудничеству с зарубежными странами» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) муқаддимада:

иккинчи хатбошидан «и узбекских частей межправительственных комиссий (комитетов и советов) по двустороннему сотрудничеству с зарубежными странами» сўзлари чиқариб ташлансин;

учинчи хатбошидан «и узбекские части межправительственных комиссий» сўзлари чиқариб ташлансин;

в) 1-банднинг биринчи хатбошисидан «и узбекских частей межправительственных комиссий (комитетов и советов) по двустороннему сотрудничеству с зарубежными странами (далее — узбекские части межправительственных комиссий)» сўзлари чиқариб ташлансин;

г) 2-банднинг тўртинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

д) 3-банднинг биринчи хатбошисидан «и узбекские части межправительственных комиссий» сўзлари чиқариб ташлансин;

е) 4-банддан «и председатели узбекских частей межправительственных комиссий» сўзлари чиқариб ташлансин;

ж) 3-илова ўз кучини йўқотган деб топилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги «Республика иқтисодиётига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–4300-сон қарорига 1-илованинг «Озиқ-овқат ишлаб чиқариш саноати» бўлими ўз кучини йўқотган деб топилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**875 Нефть ва газ геология-қидирув ишларини ташкил этиш ва олиб бориш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 июлдаги «Аҳоли ва иқтисодиётни энергия ресурслари билан барқарор таъминлаш, нефть-газ тармоғини молиявий соғломлаштириш ва унинг бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4388-сон қарорига мувофиқ, шунингдек, углеводород хом ашёси учун геология-қидирув ишлари самарадорлиги ва натижадорлигини янада ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, Давлат активларини бошқариш агентлиги ва «Ўзбекнефтегаз» АЖнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасига (кейинги ўринларда — Давлат геология қўмитаси) қўйидаги функцияларни топшириш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин:

янги углеводород хом ашёси конларини очиш учун нефть ва газ истиқболли тузилмаларини аниқлаш ва тайёрлашга қаратилган илмий-тадқиқот, регионал геологик-тасвирлаш, геофизик ва бурғулаш ишларини олиб бориш;

республика углеводород хом ашёси захираларини жадал ривожлантириш ва қайта тиклаш, янги углеводород хом ашё конларини очишни таъминлашга йўналтирилган геология-қидирув ишлари самарадорлиги ва натижадорлигини ошириш ишларини ташкиллаштириш.

«Ўзбекнефтегаз» АЖ 2019 йил якунига қадар Давлат геология қўмитасига илмий-тадқиқот ва геофизик ишларини олиб боришнинг амалдаги лойиҳалари тўғрисидаги маълумотларни ҳамда барча мавжуд истиқболли майдонлар, инвестиция блоклари ва углеводород хом ашёси конлари бўйича фонд ва бошқа материалларни тақдим этсин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

2020 йилдан бошлаб, нефть ва газ минерал-хом ашё базасини ривожлантириш ва қайта тиклаш йиллик давлат дастурлари Давлат геология қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда ишлаб чиқилади ва тасдиқланади;

нефть ва газ минерал-хом ашё базасини ривожлантириш ва қайта тиклаш йиллик давлат дастурлари доирасида етакчи хорижий консалтинг компаниялари ва мутахассисларини жалб этган ҳолда, геология-қидирув ишларини ташкил қилишнинг халқаро стандартларини татбиқ этиш чоралари амалга оширилади;

нефть ва газ бўйича илмий-тадқиқот, регионал геологик-тасвирлаш,

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 19 ноябрда эълон қилинган.

геофизик ва бурғулаш ишлари ҳамда замонавий ускуналар, илмий ҳажмдор технологиялар, дастурий маҳсулотлар, махсус ва автотранспорт техникалари билан жиҳозлаш чоралари нефть ва газ минерал-хом ашё базасини ривожлантириш ва қайта тиклаш йиллик давлат дастурларида кўзда тутилади ва Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан Давлат геология қўмитасининг асосланган ҳисоб-китоблари асосида молиялаштирилади;

нефть ва газ минерал-хом ашё базасини ривожлантириш ва қайта тиклаш йиллик давлат дастурлари доирасида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобига бурғуланиб, қурилиши якунланган қудуқлар уларни Давлат геология қўмитаси ва унинг ташкилотлари томонидан ер қазидан муайян фойдаланувчиларга берилгунига қадар солиққа тортиш объекти ҳисобланмайди.

3. Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги, Молия вазирлиги ва Давлат геология қўмитасининг «Ўзбекнефтгаз» АЖ ва «Ўзбурғунефтгаз» АЖнинг «Ўзбекгеофизика» АЖ ҳамда «Нефть ва газ конлари геологияси ва қидируви институти» АЖнинг устав капиталларидаги улушларини Давлат активларини бошқариш агентлигига (кейинги ўринларда — Агентлик) ўтказиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Молия вазирлиги, Агентлик ва Давлат геология қўмитаси билан биргаликда 2020 йилнинг 1 июлига қадар геология-қидирув хизматлари соҳаси ва ушбу тармоқдаги рақобат даражасини ўрганган ҳолда 1-иловага* мувофиқ Давлат геология қўмитаси таркибига кирувчи давлат корхоналарини Агентликка акциядор (таъсисчи ва иштирокчи) ҳуқуқини бериш орқали қайта ташкил этишни таъминласин.

Давлат геология қўмитаси Агентлик ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда бир ҳафта муддатда ҳар бир давлат корхонасини қайта ташкил этиш бўйича тадбирлар режасини уларнинг аниқ муддатлари ва масъул ижрочиларини кўрсатган ҳолда ишлаб чиқсин, тасдиқласин ҳамда амалга оширилишини таъминласин.

Белгилансинки, «Ўзбекгеофизика» АЖ, «Нефть ва газ конлари геологияси ва қидируви институти» АЖ ҳамда қайта ташкил этилаётган давлат корхоналари ўз фаолиятини Давлат геология қўмитасининг ташкилий тузилмаси таркибида амалга оширади.

4. Қуйидагилар белгилансин:

«Ўзбекнефтгаз» АЖ ва «Ўзбурғунефтгаз» АЖнинг «Ўзбекгеофизика» АЖ ҳамда «Нефть ва газ конлари геологияси ва қидируви институти» АЖнинг устав капиталларидаги улушларининг Агентликка берилиши баланс қийматида «Ўзбекнефтгаз» АЖ устав капиталидаги давлат улуши камайтирилиши ҳисобига амалга оширилади;

ушбу қарорга асосан бир ташкилотдан бошқа ташкилотга берилаётган ва қабул қилинаётган мулклар, мулкый ҳуқуқлар шу жумладан акциялар ва устав капиталларидаги улушлар барча солиқ турлари бўйича солиққа тортиш объекти ҳисобланмайди;

* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

«Ўзбекгеофизика» АЖ ҳамда «Нефть ва газ конлари геологияси ва кидируви институти» АЖ акциялари Агентлик эгалигига ўтиши янги сотиб олинган акциялар пакети деб ҳисобланмайди;

«Ўзбекнефтегаз» АЖ ва унинг таркибига кирувчи ташкилотларнинг «Ўзбекгеофизика» АЖ ҳамда «Нефть ва газ конлари геологияси ва кидируви институти» АЖ билан амалдаги шартномалар бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлари сақланиб қолинади.

5. Давлат геология қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган:

Давлат геология қўмитаси томонидан бажариладиган 2020-2021 йилларда ер қаърини углеводород хом ашёсига геологик ўрганиш ишларининг асосий параметрлари 2-иловага* мувофиқ;

«Ўзбекгеофизика» АЖ ҳамда «Нефть ва газ конлари геологияси ва кидируви институти» АЖ моддий-техник базасини модернизациялаш ва мустаҳкамлаш учун сотиб олинadиган замонавий геофизик, лаборатория ва бошқа қурилмалар, дастурий маҳсулотлар, махсус ва автотранспорт техникалари рўйхати 3-иловага* мувофиқ;

Минерал-хом ашё, жумладан, нефть ва газ базасини ривожлантириш ва қайта тиклаш бўйича фаолиятни босқичма-босқич ислоҳ қилиш ва тижоратлаштириш йўли билан геология-қидирув ишларини ташкил этиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича «Йўл харитаси» 4-иловага* мувофиқ маъқуллансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2020 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида Давлат геология қўмитасига ҳар йили тасдиқланadиган минерал-хом ашё базасини (шу жумладан, нефть ва газни) ривожлантириш ва қайта тиклаш давлат дастурларига мувофиқ, шунингдек, ушбу қарор билан топшириладиган функцияларни ҳисобга олган ҳолда маблағ ажратилишини назарда тутсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 4 майдаги «2017 — 2021 йилларда ер ости сувлари захираларидан оқилона фойдаланишни назорат қилиш ва ҳисобга олишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–2954-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси минерал-хом ашё базасини ривожлантириш стратегияси амалга оширилишини мувофиқлаштириш бўйича Ишчи гуруҳ зиммасига (кейинги ўринларда — Ишчи гуруҳ) ушбу қарордан келиб чиқадиган топшириқ ва чора-тадбирларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш борасидаги ишларни мувофиқлаштириш вазифаси юклатилсин.

8. Амалдаги лойиҳалар доирасида илгари бошланган параметрик ва излов қудуқларини бурғулаш ишларини тугатиш шарти билан углеводород хом ашёси учун геология-қидирув ишларини лицензия олмаган ҳолда олиб бориш ҳуқуқи «Ўзбекнефтегаз» АЖда сақлаб қолинсин.

9. Давлат геология қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Энергетика

* 2 — 4-илвалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда «Ўзбекнефтгаз» АЖ билан биргаликда уч ой муддатда:

2020 — 2025 йилларда углеводород захираларини кўпайтиришнинг мақсадли кўрсаткичларини;

тўғридан-тўғри музокаралар натижаси бўйича «Ўзбекнефтгаз» АЖга ер қаъридан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи тегишли лицензияни тақдим этган ҳолда, нефть ва газ геология-қидирув ишлари доирасида у томонидан қудуқларни бурғулаш ишлари амалга ошириладиган истиқболли тузилмалар ва углеводород конларининг рўйхатини тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

10. Қўйидагиларга:

«Ўзбекнефтгаз» АЖга Нефть ва газ минерал-хом ашё базасини ривожлантириш ва қайта тиклаш давлат дастури доирасида аввал бошланган лойиҳалар бўйича «Ўзбекгеофизика» АЖ ҳамда «Нефть ва газ конлари геологияси ва қидируви институти» АЖ билан илмий-тадқиқот, тематик, геофизик ва лаборатория ишларини бажариш юзасидан тўғридан-тўғри шартномалар тузишга;

«Ўзбекнефтгаз» АЖ, Давлат геология қўмитаси ва уларнинг таркибига кирувчи ташкилотларга, шу жумладан, акциядорлик жамияти сифатида қайта ташкил этилаётган давлат корхоналарига 2021 йилнинг охирига қадар геология-қидирув ва қўшимча ишларни бажарувчи, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси минерал-хом ашё базасини ривожлантириш ва қайта тиклаш йиллик давлат дастурлари доирасида тендер савдоларисиз танлов ўтказиш йўли билан давлат харидларини амалга оширувчи пудратчиларни аниқлашга рухсат берилсин.

11. Хорижий инвесторлар томонидан «Ўзбекнефтгаз» АЖ билан илгари тузилган келишувлар доирасида кейинчалик Давлат геология қўмитаси билан ер қаърини геологик ўрганиш бўйича ҳамкорликни давом эттириш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида қарор қабул қилиш учун тақдим этилган материаллар ўрганиладиган инвестиция блоклари рўйхати 5-иловага* мувофиқ маъқуллансин.

Белгилаб қўйилсинки:

хорижий инвесторлар билан келишувлар муддати тугаганидан сўнг инвестиция блоклари ва истиқболли участкалар Давлат геология қўмитаси тасарруфига ўтади;

инвестиция блоклари чегаралари ва майдонлари Давлат геология қўмитаси тасарруфига ўтганидан сўнг инвесторларни жалб этиш жараёнини оптимallasштириш учун бир йил ичида қайта кўриб чиқилади.

12. 2020 йил 1 январдан қўйидаги механизм жорий этилсин, унга мувофиқ:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги «Стратегик муҳим турдаги қаттиқ фойдали қазилма конларини геологик ўрганиш ва ўзлаштиришга хорижий инвестициялар жалб қилишни жадаллаштириш

* 5-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3000-сон қарорида кўрсатилган стратегик фойдали қазилма турлари мавжуд ер қаъри участкаларини фойдаланишга топшириш лицензияларни бериш шаффофлигини таъминловчи аукцион савдолар асосида амалга оширилади;

стратегик фойдали қазилма турларига эга ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқининг бошланғич баҳоси геологик тадқиқот учун — имзо бонуси ставкаси миқдорида, қазиб чиқариш учун — тижорат топилма бонуси ставкаси миқдорида қонунчиликда ўрнатилган тартибда белгиланади. Бунда стратегик фойдали қазилма турларига эга ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқининг бошланғич баҳоси Давлат геология қўмитаси томонидан бажарилган қидирув ва разведка ишлари харажатларидан кам бўлмаслиги керак;

стратегик фойдали қазилма турларига эга ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи реализациясидан тушган маблағлар аукцион савдоларини ташкиллаштиришга кетган харажатлар чегирилгандан кейин, ўрнатилган тартибда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига йўналтирилади;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратилган маблағларнинг ишлатилганлиги ҳамда эришилган натижалар тўғрисидаги Давлат геология қўмитасининг ҳисоботи ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига тақдим этилади;

халқаро ташкилотлар ва молия институтларининг техник кўмаги, аудиторлар ва мустақил маслаҳатчиларни жалб этган ҳолда, шаффоф тартиб-таомиллар асосида тендер ҳужжатларини тайёрлаш ва савдоларни ташкиллаштириш, инвестицион геологик объектларни баҳолаш йўли билан стратегик турдаги фойдали қазилмаларни қазиб чиқаришга доир инвестиция битимларини тузиш амалиёти қўлланилади.

Давлат геология қўмитаси тасдиқланган минерал-хом ашё базасини (жумладан, нефть ва газни) ривожлантириш ва қайта тиклаш давлат дастурлари бўйича ишларни молиялаштириш учун Давлат геология қўмитасига ажратиладиган йиллик маблағлар доирасида ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқининг бошланғич қийматини баҳолаш бўйича хизматлар ҳақи тўлови учун зарур маблағларни назарда тутсин.

13. Белгилаб қўйилсинки, Давлат геология қўмитаси:

Ишчи гуруҳнинг ишчи органи ва илмий-тадқиқот ва геофизик ишлар, шунингдек, барча истиқболли участкалар, инвестиция блоклари ва углеводород хом ашёси конлари бўйича амалдаги лойиҳалар тўғрисидаги маълумотларнинг эгаси ҳисобланади;

«Ўзбекнефтгаз» АЖ томонидан амалга оширилаётган лойиҳалардан ташқари, салоҳиятли хорижий инвесторлар иштирокида нефть ва газ истиқболли тузилмаларини геологик ўрганиш соҳасида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ва мувофиқлаштириш учун масъул ижрочи орган ҳисобланади;

нефть ва газ геология-қидирув ишларини олиб бораётган ер қаъри фойдаланувчилари учун умуман республика минерал-хом ашё базасини мутаносиб ривожлантириш ва қайта тиклашни таъминлашни ҳисобга олган

ҳолда углеводород хом ашё захираларини кўпайтириш бўйича вазифаларни белгилайди.

14. Белгилансинки, ер қаърини геологик ўрганиш, фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш, шунингдек, кончилик муносабатларини бошқариш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари Давлат геология қўмитаси билан келишилиши шарт.

15. Давлат геология қўмитасининг марказий аппарати тузилмасида: ходимларнинг чекланган сони 9 нафардан иборат Нефть ва газ геологияси бошқармаси;

ходимларнинг чекланган сони 7 нафардан иборат Нефть ва газ бурғулаш ишларини ташкиллаштириш бошқармаси;

ходимларнинг чекланган сони 4 нафардан иборат Харид ишларини ташкиллаштириш бошқармаси ташкил қилинсин.

Давлат геология қўмитасига ушбу бандга асосан ташкил этиладиган бошқармаларни бутлаш мақсадида қўшимча 14 нафар бошқарув ходимлари штат бирликлари ажратилсин.

Давлат геология қўмитаси раисининг нефть ва газ геология-қидирув ишларини ўтказиш масалаларини мувофиқлаштирувчи ўринбосари лавозими киритилсин.

16. Давлат геология қўмитаси марказий аппаратининг янгиланган тузилмаси 6-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 1 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3578-сон қарорида:

10-банднинг учинчи хатбошиси, шунингдек, 5-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

11-банддаги «339» ва «92» рақамлари тегишинча «391» ва «107» рақамлари билан алмаштирилсин.

18. Давлат геология қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

19. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Қўчқоров ва Ўзбекистон Республикаси энергетика вазири А.С. Султанов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 18 ноябрь,
ПҚ–4522-сон

* 6-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**876 Тошкент шаҳрида Беларусь-Ўзбекистон қўшма тармоқлараро амалий техник квалификациялар институтини ташкил этиш тўғрисида***

Республика иқтисодиёти тармоқлари учун юқори малакали муҳандис-техник кадрлар тайёрлашни янада такомиллаштириш, олий таълим соҳасида халқаро ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ:

1. Беларусь Республикаси Таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Беларусь миллий техника университети, Республика касб-хунар таълими институти (Беларусь Республикаси) ва Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетининг Тошкент шаҳрида Беларусь-Ўзбекистон қўшма тармоқлараро амалий техник квалификациялар институтини (кейинги ўринларда — Институт) ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Институтнинг асосий фаолият йўналишлари ва вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

халқаро таълим стандартларига мувофиқ, шу жумладан қўшма таълим дастурлари асосида республика саноат тармоқларининг энг муҳим илмий-ишлаб чиқариш масалаларини ҳал эта оладиган юқори малакали муҳандис-техник кадрларни бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича тайёрлаш;

олий ва касб-хунар таълимининг замонавий таълим дастурлари ва шакллари ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш, таълим жараёнига илғор педагогик ва ахборот технологияларини, фан ва техниканинг энг янги ютуқларини татбиқ этиш;

бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларига мувофиқ янги ўқув дастурлари, дарсликлар, ўқув қўлланмалари яратиш орқали ўқув-услубий ишлар сифати ва даражасини ошириш;

таълим ва фаннинг узлуксизлиги ва узвийлиги ҳамда жаҳон таълим ва илмий ҳамжамиятига интеграциялашиш ҳисобига мутахассислар ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;

илмий-педагогик салоҳиятни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш, педагогик технологиялар ва таълим усуллари фаол такомиллаштириш;

ишлаб чиқариш тизимларида тежамкорлик, ишончлилик ва барқарор фаолиятни оширишга йўналтирилган, машинасозлик, механика, ишлаб чиқаришни автоматлаштириш, биотехнология, метрология ва стандартлаштириш ҳамда саноат ишлаб чиқаришнинг бошқа тармоқларида илмий тадқиқотлар ўтказиш, инновацион лойиҳаларни амалга ошириш;

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 21 ноябрда эълон қилинган.

таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг мустаҳкам интеграцияси учун шароитлар яратиш;

таълим ва илмий-техникавий соҳаларда хорижий мамлакатларнинг етакчи таълим муассасалари, илмий-тадқиқот марказлари ва бизнес ҳамжамиятлари билан узоқ муддатли муносабатларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш.

3. Белгилансинки:

Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети Институтнинг таъсисчиси (кейинги ўринларда — таъсисчи), Беларусь миллий техника университети ва Республика касб-хунар таълими институти (Беларусь Республикаси) Институт фаолиятини ташкил этиш иштирокчилари (кейинги ўринларда — иштирокчилар) ҳисобланади;

Институт Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлиб, юридик шахс мақомига эга бўлган давлат муассасаси шаклидаги олий таълим муассасаси ҳисобланади;

Институт олий малакали мутахассислар ва илмий-педагог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш билан шуғулланади;

Институт ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг таълим соҳасидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ амалга оширади;

Институтнинг таълим фаолияти 2020/2021 ўқув йилидан бошланади;

Институтга абитуриентлар, тадқиқотчилар ва тингловчиларни қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Беларусь Республикаси Таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда таъсисчи ва иштирокчилар томонидан ўрнатилган талаблар, тартиб ва муддатларга мувофиқ амалга оширилади;

Институтдаги таълим Ўзбекистон Республикаси ва Беларусь Республикаси давлат таълим стандартлари талабларига мувофиқ таъсисчи ва иштирокчилар томонидан тасдиқланган таълим дастурлари бўйича рус тилида амалга оширилади;

Институт битирувчиларига таълим якунлари бўйича Ўзбекистон Республикасида олий таълим тўғрисидаги ҳужжат сифатида тан олинadиган Беларусь миллий техника университетининг олий таълим тўғрисида белгиланган намунадаги дипломи топширилади;

қайта тайёрлаш ва малака ошириш дастурларини ўзлаштирган тингловчиларга Ўзбекистон Республикасида тан олинadиган Беларусь Республикасининг ўрнатилган намунадаги ҳужжатлари (касб бўйича малака разряди берилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, олий таълим даражасида қайта тайёрлаш тўғрисидаги диплом, малака оширганлиги тўғрисида гувоҳнома) топширилади.

4. Таъсисчи ва иштирокчиларнинг қуйидагиларни таъминлашда ёрдам беришлари маълумот учун қабул қилинсин:

Институтнинг ўқув жараёнига илғор педагогик ва ахборот технологиялари, фан ва техниканинг энг сўнгги ютуқларини жорий этиш;

Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсларини, стажировкаларини ташкил этиш;

Институт кутубхона фондини шакллантириш ва замонавий ўқув, ўқув-услугий ва илмий-техник адабиётлар билан тўлдириш.

5. Қўйидагилар:

Беларусь-Ўзбекистон қўшма тармоқлараро амалий техник квалификациялар институтида мутахассислар тайёрлаш бўйича асосий бакалаврият таълим йўналишлари (магистратура мутахассисликлари) рўйхати 1-иловага мувофиқ;

Беларусь-Ўзбекистон қўшма тармоқлараро амалий техник квалификациялар институти Васийлик кенгашининг таркиби (кейинги ўринларда — Васийлик кенгаши) 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

6. Маълумот учун қабул қилинсинки, Васийлик кенгаши Институт ривожланишига кўмаклашувчи жамоатчилик бошқарувининг олий органи ҳисобланади.

Белгиласинки, Васийлик кенгаши қўйидагиларга кўмаклашади:

Институтнинг техник ривожланиши ва самарали фаолият юритишини таъминлаш учун молиявий кўмак, бюджетдан ташқари маблағларни жалб этиш;

талабаларнинг малакавий амалиётларини Беларусь Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ишлаб чиқариш корхоналарида ўташ;

Институт ходимлари ва талабаларининг истиқболли дастурлари ва ғояларини амалга ошириш, илмий тадқиқотлар натижаларини амалиётга самарали татбиқ этиш;

профессор-ўқитувчилар ва ёш олимларга халқаро илмий-техникавий маълумотларнинг ахборот-таҳлилий базасига киритилган журналларда, шу жумладан, «Scopus» ва «Web of science» журналларида илмий мақолалар чоп этишда, шунингдек, ўқув-услугий адабиётларни ишлаб чиқаётган, илмий-тадқиқот ишларини олиб бораётган мутахассисларга, шу жумладан, уларни моддий рағбатлантириш орқали;

Институтда бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича қўшма, шу жумладан, икки босқичда амалга оширилдиган (биринчи босқич — талабаларни бутун таълим жараёнининг биринчи ярмида Институтда, иккинчи босқич — бутун таълим жараёнининг иккинчи ярмида Беларусь миллий техника университетида ўқитиш) замонавий таълим дастурлари асосида кадрларни тайёрлаш.

7. Қўйидагилар Институт фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

Институтга ўқишга қабул қилинадиган талабалар умумий сонининг 30 фоизидан ошмаган ҳолда давлат грантлари асосида талабаларнинг ўқиши учун ажратиладиган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

талабаларни тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар; юридик ва жисмоний шахсларнинг хайриялари;

давлат илмий-техник дастурларини амалга ошириш учун ажратилдиган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

ташқи беғараз кўмак маблағлари (грантлар, техник кўмак ва бошқалар); конун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

* 2-илова «Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

8. Белгилаб қўйилсинки:

Институтнинг қабул параметрлари ва қўшма таълим дастурлари Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда таъсисчи ва иштирокчиларнинг асосланган таклифларига биноан манфаатдор вазирликлар ва идораларнинг кадрларга бўлган эҳтиёжлари асосида Васийлик кенгаши қарори билан тасдиқланади;

Институтда тўлов-контракт асосида таълим учун тўловлар миқдори Ўзбекистон Республикаси ҳудудида таъсисчи томонидан, Беларусь Республикаси ҳудудида — Беларусь миллий техника университети томонидан белгиланади;

Институтнинг давлат грантлари асосида таълим олган битирувчилари Ўзбекистон Республикаси таълим муассасалари ва ташкилотларида камидан уч йил ишлаб бериш шarti билан ишга тақсимланадилар;

Институт таъминотига бюджет маблағлари 2019 йилда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ижтимоий соҳа бўйича тасдиқланган харажатлар параметрлари доирасида ажратилади, 2020 йилдан бошлаб эса мазкур соҳа учун ҳар йилги харажатлар параметрларида кўзда тутилади.

9. Қуйидагиларга:

Институтнинг юқори малакага эга бўлган, ўқув-услубий таъминотни ишлаб чиққан, махсус ускуналар билан ишлаш малакасига эга бўлган ходимларига Васийлик кенгаши қарори билан Институтнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан шахсий устама ҳақ белгилашга;

имзоланган шартномалар асосида ўрнатилган тарифлар бўйича педагогик ва илмий ишлар учун таклиф қилинган хорижий профессор ва ўқитувчиларнинг (шу жумладан, Беларусь Республикаси фуқаролари) меҳнатига ҳақ тўлаш, яшаш ва транспорт харажатларини Институт томонидан тўлашига рухсат этилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги уч ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига 2021 йилда Навоий шаҳрида Институтнинг саноатнинг устувор йўналишлари, инжиниринг, технологиялар ва IT-дастураш бўйича юқори малакали кадрларни тайёрлашга ихтисослашган филиалини ташкил этиш бўйича таклиф киритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда Институтни жойлаштиришни таъминласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги 2020 йил 1 августга қадар дастлабки босқичда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ва Васийлик кенгаши томонидан шакллантирилладиган маблағлар ҳисобидан (зарур ҳолларда) Институтнинг бино ва иншоотларини таъмирлаш-тиклаш ва жиҳозлаш ишларини амалга оширсин ҳамда уни биринчи ўқув йили учун зарур бўлган мебель, инвентарь, компьютер ва бошқа оргтехника, ўқув адабиётлари ва кутубхона фонди билан таъминласин.

13. Институтга иккита, жумладан, битта шахсий бириктирилган ва битта навбатчи енгил автотранспорт воситаларини сақлаш учун лимит ажратилсин.

14. Институтни реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш, жиҳозлаш ва унинг фаолиятини таъминлаш учун белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатлар бўйича четдан олиб кириладиган, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган ўқув ва илмий лаборатория ускуналари, компьютер техникаси, дастурий маҳсулотлар, ўқув ва илмий-услубий адабиётлар, инвентарь, қурилиш материаллари ва моддий-техник ресурслар 2022 йил 1 январга қадар божхона тўловларидан (божхона расмийлаштирувчи йиғимларидан ташқари) озод этилсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги таъсисчи ва иштирокчилар билан биргаликда:

бир ой муддатда Институтнинг таъсис ҳужжатларини ишлаб чиқиш, келишиш ва белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказишни;

икки ой муддатда Институтнинг ташкилий тузилмасини Васийлик кенгашига тасдиқлаш учун киритишни;

2020 йил 1 августга қадар Институтни малакали профессор-ўқитувчилар билан танлов асосида бутлашни таъминласин.

16. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг буюртманомасига биноан ушбу қарорни амалга ошириш доирасида жалб этиладиган хорижий профессор-ўқитувчиларга, шунингдек, уларнинг оила аъзоларига кириш визалари консуллик ва бошқа йиғимлар ундирилмасдан белгиланган тартибда расмийлаштирилишини таъминласин.

17. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Институтнинг буюртманомасига биноан хорижий профессор-ўқитувчилар ва маъмурий ходимлар, шунингдек, уларнинг оила аъзолари учун кўп марталик визалар ҳамда Ўзбекистон Республикасида вақтинчалик яшаш жойи бўйича вақтинча прописка давлат божи ундирилмасдан берилиши ва узайтирилишини таъминласин.

18. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

19. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Абдуҳакимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 20 ноябрь,
ПҚ-4524-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2019 йил 20 ноябрдаги
ПҚ-4524-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Беларусь-Ўзбекистон қўшма тармоқлараро амалий техник
квалификациялар институтида мутахассислар тайёрлаш
бўйича асосий бакалавриат таълим йўналишлари
(магистратура мутахассисликлари)
РЎЙХАТИ**

1. Машинасозлик технологияси, машинасозлик ишлаб чиқариш ускуналари ва уларни автоматлаштириш
2. Тракторсозлик
3. Пайвандлаш ишлаб чиқариши ускуна ва технологиялари
4. Метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифати менежменти
5. Интеллектуал қурилмалар, машиналар ва ишлаб чиқариш
6. Компьютер меҳатроникаси
7. Саноат корхоналарининг инновацион лойиҳаларини бошқариш
8. Хизмат кўрсатиш соҳаси (автомобиллар)
9. Транспорт логистикаси
10. Бино ва иншоотларнинг иссиқлик-газ таъминоти ва вентилияцияси
11. Биотехник ва тиббий аппаратлар ва тизимлар

Изоҳ: Институтнинг Васийлик кенгаши томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Беларусь миллий техника университети (Беларусь Республикаси) билан келишув асосида ташкилотлар-буюртмачиларнинг кадрларга бўлган эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда мазкур рўйхатга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**877 Мамлакатда бизнес муҳитини янада яхшилаш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида***

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишни енгиллаштириш ва рағбатлантириш мақсадида соҳага оид қатор тартиботлар танқидий қайта кўриб чиқилиб, эскирган, замон талабига жавоб бермайдиган бюрократик тўсиқ ва ғовлар бекор қилинди. Кўрилган чоралар натижасида республикада ишбилармонлик муҳити яхшиланди, тадбиркорлик субъектлари ва хусусий инвесторлар учун кенг имкониятлар яратилди.

Бундай ижобий ўзгаришлар нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан ҳам кенг эътироф этилмоқда. Жумладан, Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорацияси томонидан эълон қилинган «Бизнес юритиш — 2020» ҳисоботида Ўзбекистон 69-ўринни эгаллаб, ислохотлар миқёси ва самарадорлиги бўйича дунёнинг энг яхши 20 та ислохотчи давлати қаторидан жой олди.

Шу билан бирга, тадбиркорлар ва инвесторлар билан учрашувлар жойлардаги ижрочилар соҳада амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятидан тўлиқ хабардор эмаслигини, қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалиётга жорий этилиши сезиларли даражада ортда қолаётганлигини, айрим лицензия ва рухсатномаларни расмийлаштиришда ортиқча бюрократик тўсиқлар мавжудлигини кўрсатмоқда.

Мамлакатимизда бизнес юритиш муҳитини янада яхшилаш, тадбиркорликка кенг эркинлик бериш борасида бошланган ислохотларни давом эттириш ҳамда қабул қилинган қонун ҳужжатларининг жойларда тўғри татбиқ этилишини таъминлаш мақсадида:

1. Барча даражадаги давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман ва шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддаси ҳамда «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонун талабларига сўзсиз риоя қилишлари шартлиги ҳақида қатъий огоҳлантирилсин.

Белгилансинки, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш натижаларини, шу жумладан, объектларнинг қийматини баҳолаш натижаларини қайта кўриб чиқиш ва бекор қилиш масалалари юзасидан давлат органлари, шу жумладан, назорат, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва судлар томонидан ташаббус билан чиқиш хусусий мулкнинг дахлсизлигини бузиш сифатида баҳоланади ҳамда бундай ишлар кўриб чиқиш учун қабул қилинмайди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хусусий мулкни ҳимоя

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 21 ноябрда эълон қилинган.

қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисидаги қонунчиликка қатъий риоя этилиши устидан назоратни кучайтирсин, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш натижаларини қайта кўриб чиқиш ва бекор қилиш ташаббуси билан чиққанлик учун ваколатли давлат органлари мансабдор шахсларининг муқаррар жавобгарлигини жиноий жавобгарликка тортишга қадар оширишни таъминласин.

2. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги (Зокиров), Энергетика вазирлиги (Султанов), Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси (Абдуллаев), Марказий банки (Нурмуратов), Давлат активларини бошқариш агентлиги (Бекенов) раҳбарларига қурилиш учун рухсатномалар бериш, электр таъминоти тизимига уланиш, кўчмас мулкни рўйхатдан ўтказиш, кредит бериш ҳамда тўловга қобилиятсизликни ҳал этиш йўналишларидаги ислохотларнинг амалиётга татбиқ этилиши етарли эмаслиги натижасида «Бизнес юритиш» йиллик ҳисоботи тегишли индикаторлари бўйича мамлакатнинг рейтингдаги ўрни пастлигича қолаётганлиги кўрсатиб ўтилсин.

Юқорида кўрсатиб ўтилган вазирлик ва идораларнинг ҳар бирида соҳада амалга оширилаётган ислохотларни жойлардаги ижрочиларга етказиш бўйича ишчи гуруҳлар тузилсин.

Мазкур ишчи гуруҳлар зиммасига ислохотларнинг мазмун-моҳиятини жойлардаги ижрочиларга етказиш ва тушунтириш, қонун ҳужжатларини нотўғри қўллаш амалиётини бартараф этиш, жойларда тадбиркорларнинг фикрини мунтазам равишда ўрганиб бориш, тегишли орган томонидан қабул қилинган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни хатловдан ўтказиш ва уларга соҳада амалга оширилаётган ислохотлардан келиб чиқиб ўзгартиришлар киритиш бўйича таклифлар тайёрлаш вазифалари юклансин.

Ишчи гуруҳлари амалга оширилган ишлар тўғрисида ҳар ой якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига маълумот киритиб борсин.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) 2020 йил 1 февралдан бошлаб:

экспорт-импорт операцияларини амалга оширишда талаб этиладиган рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар ва сертификатлар «Ягона дарча» божхона ахборот тизими орқали расмийлаштирилади. Бунда ваколатли органларнинг автоматлаштирилган ахборот тизимлари «Ягона дарча» божхона ахборот тизимига интеграция қилинади;

фитосанитария, санитария-эпидемиология, ветеринария ва экологик назорат ўтказиш учун ундириладиган тўловлар миқдори ваколатли органнинг мазкур ҳужжатни бериш учун қилган харажатлари доирасида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан келишилган ҳолда белгиланади;

юрidik шахслар томонидан даъво аризаси ва унинг иловаларини жавобгар ҳамда иқтисодий судга солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали электрон тарзда юбориш имконияти яратилади;

б) 2020 йил 1 октябрдан бошлаб қуввати 140 киловаттгача бўлган

электр ускуналарини электр тармоқларига улаш жараёнида сарфланадиган харажатлар тадбиркорлик субъектининг хохишига кўра, давлат хизматлари марказларига техник шартларни олиш учун мурожаат қилиш билан бир вақтда берилган сўровномасига асосан «Худудий электр тармоқлари» акциядорлик жамияти маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Мазкур маблағлар тадбиркорлик субъектлари фойдаланган электр энергияси қийматига қўшиладиган устамалар ҳисобидан бир йил давомида ундириб олинади.

4. 2020 йил 1 январдан қуйидаги талаблар бекор қилинсин:

тадбиркорлик субъектлари — юридик шахслар ўртасидаги кўчмас мулк олди-сотди шартномаларини тарафлардан бирининг талаби бўйича нотариал тасдиқланганда коммунал хизматлар бўйича қарздорликларни текшириб олиш;

давлат солиқ хизмати органларига солиқ тўловчилар томонидан кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқ давлат рўйхатидан ўтказилгандан сўнг аризани ҳамда кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказувчи органлар томонидан тегишли ҳудудда жойлашган ер участкаси ва бошқа кўчмас мулк, унинг мулкдорлари тўғрисидаги маълумотни бевосита қоғоз кўринишда тақдим этиш;

мева-сабзавот ва тўқимачилик маҳсулотлари ва буюмларини экспорт қилиш (пахтадан ташқари) учун зарур рухсатнома ва сертификатларни расмийлаштиришда тадбиркорлик субъектларидан тўлов ундириш.

5. Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг «Бизнес юритиш» йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг ўрнини яхшилашга доир «Йўл харитаси» иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2020 йил 1 январга қадар қуйидагиларни назарда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини киритсин:

қурилиш-монтаж ишларини бошлаш учун тадбиркорлик субъектлари томонидан хабарнома юбориш тартибини бекор қилиш, марказлаштирилган манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган қурилиш объектлари бундан мустасно;

объектнинг зилзилага бардошлилиги ва ёнғин хавфсизлиги бўйича лойиҳа ҳужжатлари юзасидан ижобий экспертиза ҳулосаси ва қурилиш иштирокчилари тўғрисидаги маълумотни давлат хизматлари марказлари томонидан бир вақтда тадбиркорлик субъектлари ва ҳудудий қурилиш соҳасидаги назорат инспекцияларига объектни рўйхатдан ўтказиш учун юбориш;

объектлар бўйича ижобий экспертиза ҳулосаси мавжуд бўлмаганда қурилиш-монтаж ишларини бошлашни тақиқлаш, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолатлар бундан мустасно.

7. Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги Қурилиш вазирлиги, Молия вазирлиги ва Монополияга қарши курашиш қўмитаси билан биргаликда икки ой муддатда:

* Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

«Худудий электр тармоқлари» акциядорлик жамияти таркибига кирувчи ташкилотлар томонидан кучланиши 110 кВ гача бўлган электр қурилмаларини электр тармоқларига улаш билан боғлиқ қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишнинг муддатларини ва энг баланд қийматларини белгилашни назарда тутувчи ягона калькуляциясини тасдиқласин;

электр таъминоти тизимига уланиш жараёнида ҳужжатларни кўриб чиқиш, келишиш ва ишларни амалга ошириш билан боғлиқ тартиботларни соддалаштириш ва муддатларини қисқартириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда мева-сабзавот ва тўқимачилик маҳсулотлари ва буюмларини экспорт қилиш (пахтадан ташқари) учун зарур рухсатнома ва сертификатларни расмийлаштириш билан боғлиқ ваколатли органларнинг харажатларини Экспортни рағбатлантириш агентлиги томонидан қоплаб бериш тартибини назарда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. «Ўзстандарт» агентлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, «Ўздавқарантин» инспекцияси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2020 йил 1 февралга қадар:

ваколатли органларнинг автоматлаштирилган ахборот тизимлари ва «Ягона дарча» божхона ахборот тизими платформасида танлаб олиш асосида фитосанитария, санитария-эпидемиология, ветеринария, экологик назорат ўтказиш ва мувофиқликни баҳолаш имконини берадиган алоҳида хавф-хатарларни таҳлил қилиш тизимларини жорий этишни яқунласин;

ваколатли органлар томонидан фитосанитария, санитария-эпидемиология, ветеринария ва экологик назорат ўтказиш учун шартномаларни оферта шаклига ўтказган ҳолда хизматлар учун тўловларни электрон тарзда амалга ошириш имконини яратсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Адлия вазирлиги:

икки ой муддатда юк ташувчилар томонидан юк ҳужжатлари маълумотларини ўз ичига олган дастлабки электрон ахборотни божхона идораларига тақдим этиш тартибини жорий этиш орқали божхона расмийлаштируви жараёнларини тезлаштириш чораларини кўрсин;

2020 йил 1 апрелга қадар манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда Ўзбекистон Республикасининг умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларида катта ҳажмли ва оғир вазнли юкларнинг ўтиши учун рухсатномани расмийлаштириш жараёнлари ва тўловларни амалга оширишни электрон шаклга ўтказиш ишларини яқунласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва

қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази, Савдо-саноат палатаси, Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги уч ой муддатда:

лицензиялаш ва рухсатнома бериш тизимини тартибга солувчи қонун ҳужжатларини танқидий қайта кўриб чиқиб, уларни замон талабларига мослаштириш ва тизимлаштириш;

лицензиялар ва рухсатномаларни расмийлаштиришда талаб этиладиган ҳужжатларни хатловдан ўтказиб, бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ҳамда уларнинг муқобил шакллари, шу жумладан, хабардор этиш тартибини жорий этиш юзасидан таклиф киритсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 февралдаги «Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг «Бизнес юритиш» йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4160-сон қарори билан белгиланган мақсадли кўрсаткичларга сўзсиз эришишга тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари шахсан масъул эканликлари ҳақида огоҳлантирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги ПФ-5635-сон Фармони 3-иловасида кўрсатилган халқаро рейтинглар индикаторлари бўйича мамлакатимизнинг рейтинг кўрсаткичлари яхшиланганлиги ёки пасайганлигидан келиб чиқиб, вазирлик ва идораларга нисбатан рағбатлантириш ёки жазолаш чораларини қўллаш тартибини назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Савдо-саноат палатаси:

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил, Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги, Монополияга қарши курашиш қўмитаси билан бирга Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорацияси «Бизнес юритиш» йиллик ҳисоботининг қурилиш учун рухсатномалар олиш, электр таъминоти тизимига уланиш, мулкни рўйхатдан ўтказиш ҳамда халқаро савдо индикаторлари бўйича «давлат хизматларининг сирли мижози» институти қўлланилишини таъминласин;

жамоатчилик назорати ва «давлат хизматларининг сирли мижози» институтининг қўлланилиши натижалари бўйича ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот киритиб борсин.

Белгилансинки, ушбу бандда назарда тутилган йўналишлар бўйича «давлат хизматларининг сирли мижози» институти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 25 февралдаги «Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглар ва индекслардаги ўрнини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4210-сонли қарори талаблари асосида қўлланилади.

14. Савдо-саноат палатаси ва Давлат хизматлари агентлигининг Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг «Бизнес юритиш» йиллик ҳисоботининг ҳар бир индикатори бўйича батафсил маълумотлар акс этган

махсус портал сифатида Интернет тармоғидаги businessinfo.uz сайтидан фойдаланиш ва уни доимий янгилаб бориш ҳақидаги таклифи маъқуллансин.

15. Давлат хизматлари агентлиги 2020 йил 1 апрелга қадар ўзининг расмий веб-сайтида давлат хизматларини кўрсатиш муддатларини автоматик равишда, шу жумладан, кўриб чиқиш муддатлари бузилган аризалар ва масъул идоралар тўғрисида очиқ маълумотларни реал вақт режимида акс эттирувчи бўлим яратсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг 2020 йил март ойида ўтказиладиган Тошкент халқаро инвестиция форуми доирасида халқаро ҳамжамият ва хорижий инвесторларни Ўзбекистонда бизнес юритиш имкониятлари билан кенг таништириш ҳамда республиканинг «Бизнес юритиш» рейтингидagi ўрнини янада яхшилаш масалаларини муҳокама қилишга бағишланган алоҳида секция панелини ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

17. «Бизнес юритиш» йиллик ҳисоботи индикаторлари учун масъул вазирлик ва идоралар 2020 йил 1 январга қадар тегишли соҳаларда амалга оширилган ислохотлар, уларнинг амалиётга татбиқ этилишини асословчи далиллар ва статистик маълумотлардан иборат таҳлилий материалларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилишини таъминласин.

18. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Адлия вазирлиги, Савдо-саноат палатаси ҳамда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан бирга бир ой муддатда Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг «Бизнес юритиш» йиллик ҳисоботининг ҳар бир индикатори бўйича амалга оширилган ислохотлар юзасидан кенг қамровли тарғибот ишларини ўтказиш режасини тасдиқласин ва амалга оширилишини таъминласин.

19. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

Вазирлик ва идоралар икки ой муддатда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни мазкур қарорга мувофиқлаштирсин.

20. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Р.А. Гулямов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — молия вазири Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 20 ноябрь,
ПҚ-4525-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**878 Ядро физикаси институти илмий-тадқиқот фаолияти-
тини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида***

Ўзбекистонда ядро физикаси тадқиқотлари ўтган асрнинг 40-йилларида бошланган бўлиб, 50-йилларига келиб жадал ривожлана бошлади. Мамлакатда юқори малакали олимларнинг мавжудлиги, шунингдек, атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш йўлида Ўзбекистон олимларининг самарали илмий изланишлари ва амалий ишланмалари 1956 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ядро физикаси институтининг (кейинги ўринларда — Институт) ташкил этилишига замин яратди.

Институт ўзининг 60 йилдан зиёд фаолияти давомида ядро физикаси ва ядровий технологиялар соҳасида дунё илмий ҳамжамияти томонидан тан олинган йирик тадқиқот марказига айланди.

Ўтган йиллар давомида Институт жамоаси томонидан муайян ишлар амалга оширилди, шу жумладан:

атом ядроси ва элементар зарралар физикаси, ядро тузилиши назарияси, қуйи ва ўта паст энергияларда ядроларнинг парчаланиши ва қўшилиши физикаси, юқори энергиялар физикаси, астрофизика ва космология, каттик жисм радиацион физикаси, радиокимёнинг фундаментал жиҳатлари соҳаларида ядровий илмларнинг фундаментал асослари ривожлантирилди;

амалий радиокимё, радиоизотоплар ва улар асосида радиофармацевтик препаратлар ишлаб чиқариш, иқтисодиётнинг турли тармоқлари учун радиацион приборлар ва ускуналар тайёрлаш, опто- ва микроэлектроника учун янги материаллар олиш бўйича амалий ядро технологиялари яратилди.

Шу билан бирга, ядро физикаси соҳасида тадқиқотлар кўламини кенгайтириш, юқори малакали кадрларни тайёрлаш, Институтнинг илмий салоҳиятини янада ошириш учун қўшимча чораларни кўриш талаб этилмоқда, хусусан:

илмий тадқиқотларни молиялаштириш тизимини такомиллаштириш;

ёш олимларни тайёрлаш ва уларни илмий тадқиқотларга жалб этиш бўйича олиб борилаётган ишларнинг самарадорлигини ошириш, иқтисодиёт тармоқларида мавжуд долзарб муаммоларни ҳал этишга қаратилган амалий-илмий тадқиқотлар кўламини кенгайтириш ҳамда тадқиқот реакторидан самарали фойдаланиш;

атом энергетикаси йўналишидаги илмий изланишларни йўлга қўйиш;

Институтнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, шу жумладан, замонавий ядровий ускуналар, юқори энергияли циклотрон, юқори қувватли электрон тезлатгичлар, бошқа асбоб-ускуна ва жиҳозлар билан таъминлаш.

Ядро фанлари ва технологияларини ривожлантириш, ушбу йўналишда илмий тадқиқотларни олиб бориш тизимини тубдан такомиллаштириш ва

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 22 ноябрда эълон қилинган.

Институт илмий-техник салоҳиятини ошириш, ядровий тадқиқот реакторидан самарали ва бехатар фойдаланишни таъминлаш, илмий-инновацион фаолиятни самарали ташкил этиш, унинг натижадорлигини таъминлашда кадрларнинг малакасини янада ошириш мақсадида:

1. Қуйидагилар Институт фаолиятининг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

назарий ва экспериментал ядро физикаси, атом энергетикаси ва ядровий технологиялар, қаттиқ жисм радиацион физикаси ва материалшунослик, ядровий аналитика ва радиокимё, илмий асбобсозлик бўйича фундаментал, амалий ва инновацион илмий тадқиқотлар олиб бориш ва илмий-инновацион ишланмаларни амалиётга татбиқ қилиш;

олий ўқув юртдан кейинги таълим институти фаолияти самарадорлигини таъминлаш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш ва иқтидорли ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш;

республика мақсадли фан-техника ва инновацион дастурларини бажариш орқали ядро фани ва технологияларини мувофиқлаштиришда фаол иштирок этиш;

иктисодиётнинг реал сектори тармоқлари, таълим муассасаларидаги ўқув жараёнида Институт илмий салоҳиятидан самарали фойдаланиш, диссертация ишлари ва битирув малакавий ишларига раҳбарлик қилиш орқали фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини мустаҳкамлаш;

хорижда илмий кадрларнинг касбий малакасини ошириш, шунингдек, Институт илмий фаолиятига чет эллик олимлар ва мутахассисларни, шу жумладан хориждаги ватандошларни жалб қилиш;

Институт фаолиятига замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш.

2. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ядро физикаси институти фаолиятини такомиллаштириш бўйича мақсадли дастур (кейинги ўринларда — Мақсадли дастур) 1-иловага* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ядро физикаси институтининг 2020 — 2024 йилларга мўлжалланган илмий-тадқиқот ишлари дастури (кейинги ўринларда — Илмий-тадқиқот ишлари дастури) 2-иловага* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ядро физикаси институтининг 2021 йилгача мақсадли кўрсаткичлари (кейинги ўринларда — Мақсадли кўрсаткичлар) 3-иловага* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ядро физикаси институтининг тузилмаси 4-иловага* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ядро физикаси институтининг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан молиялаштирилаётган илмий ходимлари сонини босқичма-босқич камайтириб бориш жадвали 5-иловага* мувофиқ;

* 1 — 5-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ядро физикаси институти ходимларининг хориждаги етакчи илмий марказлар ва ишлаб чиқариш корхоналарида малакасини ошириш режа-графиги 6-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президенти Б.С. Юлдашев зиммасига Мақсадли дастур ва Илмий-тадқиқот ишлари дастури сифатли ҳамда тўлиқ бажарилишини таъминлаш ва Мақсадли кўрсаткичларга эришиш учун шахсий масъулият юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги қошидаги «Эл-юрт умиди» жамғармаси ва Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги Институт илмий ходимларининг хориждаги етакчи илмий марказлар ва ишлаб чиқариш корхоналарида малака оширишини таъминласин.

Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари, Институтнинг бюджетдан ташқари маблағлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги қошидаги «Эл-юрт умиди» жамғармасининг танлов натижаларига кўра белгиланган тартибда ажратилган маблағлари Институт илмий ходимларининг хорижда малака оширишини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, 2020 йилнинг 1 январидан бошлаб:

Институт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш, бино ва иншоотларини сақлаш харажатларини молиялаштириш, шунингдек, жорий харажатларини қоплаш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобига амалга оширилади;

Институтда илмий-техник дастурлар доирасидаги фундаментал тадқиқотларнинг амалга оширилиши тўхтатилади ва бўшаган бюджет маблағлари Институтни сақлаш харажатларининг молиялаштирилишига йўналтирилади.

4. Институт фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб қуйидагилар белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;
халқаро молия ва бошқа институтлар, хорижий ташкилотларнинг грантлари;

хўжалик фаолияти ҳисобидан тушган маблағлар;
қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

5. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси бир ой муддатда: янги таҳрирдаги Институт устави ҳамда лабораториялар ва илмий ходимлар фаолиятини йиллик баҳолаш тартибини белгиланган тартибда тасдиқласин;

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан биргаликда Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган ёрдамчи ходимлар, жумладан, республикадаги илмий-тадқиқот муассасаларининг

* 6-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

илмий-ёрдмчи ходимлари штат нормативларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва Инновацион ривожланиш вазирлиги манфаатдор идоралар билан биргаликда:

бир ой муддатда Институтни 2020 — 2024 йилларда ривожланиш концепциясини;

икки ой муддатда 2030 йилгача Институтнинг илмий изланиш фаолиятини ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Фан ва технологиялар бўйича республика кенгашига киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига 7-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президенти Б.С. Юлдашев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 21 ноябрь,
ПҚ-4526-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2019 йил 21 ноябрдаги
ПҚ-4526-сон қарорига
7-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг
айрим ҳужжатларига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 июлдаги «Фан ва олий таълим соҳаси ходимларининг меҳнат ҳақи миқдорини янада ошириш, илмий ва илмий-техник фаолият натижалари жорий этилишини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3876-сон қарорининг 2-банди иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2018 йил 1 августдан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси бошқарув аппарати ходимларининг иш ҳақи миқдорини 2 баравар, 2020 йил 1 январдан 25 фоизга ошириш».

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг янгидан ташкил этилган илмий-тадқиқот муассасалари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 292-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2017 й., 20-сон, 371-модда) 2 ва 3-иловалари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси фанлар академиясининг илмий муассасалари тузилмасини янада мақбуллаштириш ва фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 33-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2012 й., 6-сон, 63-модда) 6-бандининг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«6. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг объектларини сотиш ҳамда илмий муассасалар ходимлари сонини оптималлаштириш ҳисобига махсус ҳисоб рақамида йиғиладиган маблағлар, Фанлар академиясининг бошқарув аппарати ва илмий муассасаларининг илмий ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, замонавий юқори технологик илмий асбоб-ускуналар, компьютер техникаси, мебель, автотранспорт воситалари, тажриба базалари учун қишлоқ хўжалик техникасини сотиб олиш, бино ва иншоотларни ялпи ва жорий таъмирлаш, шунингдек, сотилаётган объектларда жойлашган институтлар ва уларнинг бўлинмалари, асбоб-ускуналари ва мулкни қўчириш билан боғлиқ харажатларни қоплашга мақсадли йўналтирилади».

БЕШИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ЭКОЛОГИЯ ВА АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ
ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ****879 Қаттиқ майший чиқинди полигонларини лойиҳалаш-
тириш ва улардан фойдаланиш бўйича йўриқномани
тасдиқлаш ҳақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
19 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3197*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 апрелдаги ПҚ-4291-сон «2019 — 2028 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида қаттиқ майший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси **қарор қилади:**

1. Қаттиқ майший чиқинди полигонларини лойиҳалаштириш ва улардан фойдаланиш бўйича йўриқнома иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон «Ўзкоммунхизмат» агентлиги бош директорининг 2016 йил 15 июндаги 73-сон «Қаттиқ майший чиқиндилар полигонларини лойиҳалаштириш ва улардан фойдаланиш бўйича йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2810, 2016 йил 14 июль) («Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2016 й., 28-сон, 343-модда) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раис**Б. КУЧКАРОВ**

Тошкент ш.,
2019 йил 17 октябрь,
12-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 20 ноябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза
қилиш давлат қўмитасининг 2019 йил
17 октябрдаги 12-сон қарорига
ИЛОВА

**Қаттиқ маиший чиқинди полигонларини
лойиҳалаштириш ва улардан фойдаланиш бўйича
ЙЎРИҚНОМА**

Мазкур Йўриқнома Ўзбекистон Республикасининг «Чиқиндилар тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ қаттиқ маиший чиқинди полигонларини лойиҳалаштириш ва улардан фойдаланиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Йўриқномада қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:
қаттиқ маиший чиқиндилар — жисмоний шахсларнинг ҳаёти ва фаолияти ҳамда юридик шахсларнинг фаолияти натижасида ҳосил бўлувчи органик ва ноорганик чиқиндилар, шунингдек, уларнинг ҳудудида ва ободонлаштириш объектларидаги табиий жараёнлар натижасида ҳосил бўлувчи чиқиндилар (озик-овқат ва ўсимлик чиқиндилари, тўқимачилик маҳсулотлари, ўраш-жойлаш (қадоқлаш) материаллари, шиша, резина, қоғоз, пластмасса, ёғоч чиқиндилари, ўзининг фойдаланиш хусусиятларини йўқотган уй-рўзғор буюмлари, супуринди, шунингдек, қаттиқ ёқилғида ишловчи маиший печкалар ва иситиш буғ қозонларидан фойдаланиш натижасида ҳосил бўлувчи чиқиндилар);

қаттиқ маиший чиқинди полигони — қаттиқ маиший чиқиндиларни жойлаштириш, зарарсизлантириш ва изоляциялаш (қўмиш) учун мўлжалланган ҳамда атмосфера ҳавоси, тупроқ, ер усти ва ер ости сувларининг ифлосланишидан ҳимоя қилинишини таъминловчи, кемирувчилар, ҳашаротлар ва касаллик тарқатувчи микроорганизмлар кўпайишининг олдини олувчи комплекс иншоот (чиқиндихона).

2. Қаттиқ маиший чиқинди полигонлари (бундан буён матнда полигон деб юритилади) исталган катталиқдаги аҳоли пунктлари учун ташкил этилиши мумкин. Ер участкаларидан самарали фойдаланилишини таъминлаш ва қаттиқ маиший чиқиндиларни ташиш ҳаражатларини камайтириш мақсадида бир-бирига яқин аҳоли пунктлари учун марказлашган полигонларни ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

2-боб. Полигонларни лойиҳалаштириш

1-§. Полигонлар қурилиши учун ер участкаларини танлаш

3. Полигонлар қурилиши учун мўлжалланган ер участкалари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ажратилади.

4. Полигонлар қурилиши учун қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ва ўрмон фонди ерларига кирмайдиган ер участкалари ажратилади.

5. Ер ажратиш ҳужжатларини расмийлаштириш ишлари Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси органлари томонидан амалга оширилади.

6. Турар жойдан полигон чегарасигача бўлган масофа аҳоли яшаш жойларида атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш бўйича санитария меъёрлари ва қоидаларига мувофиқ камида 500 метрни ташкил қилиши керак.

7. Полигонларнинг атроф-муҳитнинг турли объектларига салбий таъсири даражасини аниқлаш ва энг кам таъсир кўрсатувчи ер участкасини танлаш учун бир неча ҳудудларни муқобил вариант сифатида кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ.

8. Полигонлар шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларининг ташқарисида жойлаштирилади.

9. Полигонларни сув объектларининг сувни муҳофаза қилиш зоналари, соҳил бўйи минтақалари ва санитария муҳофазаси зоналари, сифатли ер ости сувлари тўпланадиган манбалар теграси, курортларни муҳофаза қилиш зоналари, шунингдек, фуқароларнинг оммавий дам олиш ва соғломлаштириш масканлари ҳудудига жойлаштирилишига йўл қўйилмайди.

2-§. Полигон қурилиши учун танланадиган ер участкаларига атроф-муҳитга потенциал таъсири бўйича қўйиладиган талаблар

10. Ҳар бир ер участкасининг атроф-муҳитга потенциал таъсирини ўрганиш натижаларига кўра энг кам таъсир кўрсатадиган майдон танланади.

11. Қўйидаги омиллар мавжуд бўлганда танланган ер участкалари атроф-муҳитга потенциал таъсири жихатидан полигон қурилиши учун яроқли ҳисобланади:

геологик шароитларига кўра, гил ёки қум тупроқли ер участкалари;
ер участкасининг геологик нуқтаи назардан барқарорлиги, яъни унда ёриқлар мавжуд эмаслиги;

ер участкаси остида сув ўтказмайдиган қатламнинг мавжудлиги;

ер участкаси остида 30 метрдан ортиқ қалинликдаги гил ёки оғир қум тупроқли сув ўтказмайдиган қатламнинг мавжудлиги;

ер участкасининг сув ҳавзалари ва тошқин сувлар босадиган ҳудудлардан камида 1000 метр узоқда жойлашганлиги;

ер ости сувларининг сатҳи ер юзасидан камида 10 метр пастда жойлашганлиги, ундан истеъмол қилиш ва суғориш учун фойдаланилмаслиги.

12. Қўйидаги омиллар мавжуд бўлганда атроф-муҳитга потенциал таъсирини инобатга олиб, танланган ер участкасида полигон қурилишига йўл қўйилмайди:

сув ўтказувчи бир неча қатламлар, масалан, очиқ шағал конлари, ёриқлар мавжудлиги;

ер ости сувларига 10 метрдан камроқ сатҳда жойлашганлиги;

ер ости сувларидан истеъмол ва суғориш учун фойдаланилиши;
ер ости сувлари булоқлар кўринишида оқиб чиқадиган, 1000 метр радиусда сув ҳавзаси ёки сув тошадиган ҳудудлар мавжудлиги.

13. Полигонлар қурилиши учун мўлжалланган ер участкалари камида 15 йил фойдаланиш шarti билан танланади. Ушбу майдонлар тўғри тўртбurchак шаклига яқин ва қаттиқ маиший чиқиндиларни жойлаштиришнинг максимал баландлигига эришиш мумкин бўлган ерлардан танлаб олинади.

14. Фойдаланиш муддати 15 йилга мўлжалланган полигон учун талаб этиладиган ер майдонининг ҳажми мазкур Йўриқноманинг 1-илласида* кўрсатилган намунавий жадвал бўйича аниқланиши мақсадга мувофиқ.

3-§. Полигонлар қурилиши учун танланган ер участкаларида тадқиқот ишларини амалга ошириш

15. Полигоннинг лойиҳа ҳужжатларига қуйидагилар киради:
ер участкасининг полигон қурилиши учун яроқлилиги хусусидаги геология ва гидрогеология ҳулосаси;

ер участкасининг полигон қурилиши учун яроқлилиги хусусидаги санитария-эпидемиологик ҳулосаси;

атроф-муҳитга таъсир кўрсатишнинг экологик нормативлари ва давлат экологик экспертизасининг ижобий ҳулосаси.

16. Полигонлар қурилиши учун танланган ер участкаларида Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси томонидан геологик ва гидрогеологик тадқиқотлар амалга оширилади.

17. Геологик тадқиқотларни ўтказишда қатламланиш тартиби, полигонлар жойлашган ердаги жинслар таркиби ва қалинлиги, тупроқнинг фильтрация коэффициенти ўрганилади. Тадқиқот ишларининг минимал чуқурлиги 4 метр бўлиши лозим. Турли жинслардан иборат тупроқли шароитда сувга бардошли қатламгача тадқиқот ишларини олиб бориш ҳамда шу жойдан бошлаб 1 — 1,5 метр чуқурликкача тадқиқот ўтказиш лозим.

18. Гидрогеологик тадқиқотлар натижасида ер ости сувларининг сатҳи ва оқими аниқланади. Полигонларни ер усти (жала ва қор) сувлари оқимидан ҳимоя қиладиган баландлик зовурларини қуришда ёғингарчилик фаоллиги ва уларнинг майдонда тўпланиб қолишига оид маълумотлар йиғилади.

19. Геологик ва гидрогеологик тадқиқотлар натижасида қудуқлар (шурфлар) жойлашиши режаси, геологик (литогеологик) кесимлар режаси, полигон қурилиши учун мўлжалланган ер участкасининг яроқлилиги хусусида гидрогеология ҳулосаси тузилади.

20. Туман (шаҳар) санитария-эпидемиологик осойишталик маркази тайёрланган барча материалларни инобатга олган ҳолда танланган ер участкасининг полигон қурилиши учун яроқлилиги хусусида ўз ҳулосасини беради.

21. Лойиҳалаштирилаётган полигонлар учун Ўзбекистон Республикаси Вазиrлар Маҳкамасининг 2014 йил 21 январдаги 14-сон қарори билан

* 1-илла «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

тасдиқланган Экологик нормативлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва келишиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ атроф-муҳитга таъсир кўрсатишнинг экологик нормативлари ишлаб чиқилади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 ноябрдаги 949-сон қарори билан тасдиқланган Давлат экологик экспертизаси тўғрисида низомга асосан давлат экологик экспертизасидан ўтказилади.

22. Лойиҳалаштирилаётган полигоннинг сифimini аниқлашда қаттиқ маиший чиқиндиларнинг киши бошига умумий йиллик тўпланадиган меъёри, хизмат кўрсатиладиган аҳоли сони, ташкилотларда қаттиқ маиший чиқиндиларнинг йиллик тўпланиш меъёри, хизмат кўрсатиладиган ташкилотлар сони, полигондан фойдаланиш муддати, жойлаштириладиган қаттиқ маиший чиқиндиларнинг зичланиш даражаси ҳамда полигонларда ишлатиладиган техника ва механизмлар ҳисобга олинади.

4-§. Полигонлар тузилиши

23. Полигонлар қуйидаги асосий қисмлардан иборат бўлади:

кириш йўли;

қаттиқ маиший чиқиндиларни жойлаштириш майдони;

хўжалик ҳудуди;

санитария-муҳофаза зонаси.

24. Кириш йўли қаттиқ маиший чиқиндиларни жойлаштириш майдонини магистрал йўл билан боғлаш мақсадида барпо этилади. Кириш йўли икки томонлама ҳаракатланиш учун мўлжалланган бўлиши керак. Қияликларда қаттиқ маиший чиқиндилар ортилган транспорт воситаларининг ҳаракатланиши учун рухсат бериладиган қиялик ўлчами юқорига 7 фоиз ва пастга 10 фоиздан ошмаслиги лозим.

25. Ёмғир мавсумида йўللари сув босмаслиги учун полигонлар дренаж тизими эга бўлиши лозим. Дренаж тизими орқали йиғилган сувлар ҳовузларда тўпланиб, қаттиқ маиший чиқиндиларни зичлашда фойдаланиши мумкин.

26. Полигонларнинг қаттиқ маиший чиқиндилар жойлаштирилаётган қисми (бундан буён матнда иш харитаси деб юритилади) мунтазам ўзгариб туриши сабабли, қаттиқ маиший чиқиндиларни доимий йўл тизимидан иш харитасига етказадиган вақтинчалик йўллар қурилади. Вақтинчалик йўллар тупроқ қатламини зичлаш усули билан ётқизилиши мумкин. Намлик шароитидан келиб чиқиб, улар мустаҳкамлайдиган материаллар — шағал, тош, майдаланган бетон, қурилиш қоришмаси ёки ғишт билан қопланиши мумкин.

27. Қаттиқ маиший чиқиндиларни 2 қават (қатлам) баландликда жойлаштирилишида хизмат кўрсатилишини таъминлаш мақсадида вақтинчалик йўллар, мазкур Йўриқноманинг 2-иловасига* мувофиқ схема бўйича иш хариталаридан 2 метр баландликда қурилиши лозим.

28. Қуйи қават (қатлам) — қаттиқ маиший чиқиндиларни қиялик бўйича

* 2-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

2 метр баландликдан «тепадан пастга суриш» усули билан, юқори қават (қатлам) эса — қаттиқ майший чиқиндиларни 2 метр баландликка «пастдан тепага суриш» усули билан ҳосил қилинади.

29. Қаттиқ майший чиқиндиларни жойлаштириш майдони — полигоннинг асосий қисми ҳисобланади. У қаттиқ майший чиқиндиларни қабул қилишнинг йиллик ҳажмидан келиб чиқиб, полигон майдонининг 85 — 95 фоизини эгаллайди.

30. Қаттиқ майший чиқиндиларни полигонларга жойлаштириш мазкур Йўриқноманинг 3-иловасига* мувофиқ Полигон тузилмаси кесими бўйича амалга оширилади.

31. Жарлик ён бағрида жойлашган полигонлар юқориликдан оқиб келиши мумкин бўлган ер усти сув оқимларидан ҳимояланган бўлиши лозим.

32. Хўжалик ҳудуди полигонларга қабул қилинадиган қаттиқ майший чиқиндилар микдоридан қатъи назар, 0,3 — 1,0 гектар майдонни эгаллайди.

33. Санитария-муҳофаза зонаси полигоннинг атрофи бўйлаб, унинг атроф-муҳитга ва яқин аҳоли пунктларига салбий таъсирини камайтириш мақсадида ташкил қилинади.

5-§. Қаттиқ майший чиқиндиларни жойлаштириш майдонини лойиҳалаштириш

34. Қаттиқ майший чиқиндиларни жойлаштириш майдонида оралик ва якуний изоляция учун тупроқ олиш мақсадида котлован (чуқурлик) лойиҳалаштирилади.

Ер ости сувларининг сатҳи котлован (чуқурлик) тубидан камида 2 метр пастда бўлиши лозим.

35. Полигонлар ер ости сувларининг ифлосланиши хавфини камайтириш учун фильтрацияга қарши изоляция қопламасига эга бўлиши лозим.

Изоляция харажатларини камайтириш мақсадида полигонларни кам сув ўтказувчанлик хусусиятига эга бўлган тупроқ қатламида яратиш мақсадга мувофиқ.

36. Қаттиқ майший чиқиндиларнинг морфологик таркиби ва иқлим шароитидан келиб чиқиб, изоляция қопламасининг қуйидаги турларидан фойдаланиш мумкин:

калинлиги 0,2 миллиметрдан кам бўлмаган полиэтилен қоплама ва унинг устидан қалинлиги 0,5 метрдан кам бўлмаган бир қатламли тупроқ ётқизилган қоплама;

ҳар бирининг қалинлиги 0,2 миллиметрдан кам бўлмаган, икки қаватли полиэтилен плёнкадан тайёрланган ва улар орасига 0,4 метр қалинликда йирик донали қум ётқизилган қоплама;

битумли ва бошқа махсус изоляция қоплама.

37. Қаттиқ майший чиқиндиларни жойлаштириш майдони лойиҳасида

* 3-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

котлованларнинг (чуқурликларнинг) навбат бўйича қазилиши назарда тутилади. Биринчи навбатдаги котловандан (чуқурликдан) олинган тупроқ полигон периметри бўйича тупроқтепага жойлаштирилади. Иккинчи навбатдаги котловандан (чуқурликдан) олинган тупроқ биринчи навбатдаги иш харитаси тўлдирилганидан кейин, ундаги қаттиқ маиший чиқиндиларни изоляция қилишда фойдаланилади.

38. Полигонлар тубида намлик даражаси 52 фоиздан ортиқ, йиллик ёғингарчилик миқдори 100 миллиметрдан ортиқ бўлганда қаттиқ маиший чиқиндиларни жойлаштириш майдони филтрат пайдо бўлиши эҳтимоли инobatга олинган ҳолда лойиҳалаштирилади.

Бунда котлованнинг (чуқурликнинг) туби майдон асоси бўйича филтратнинг тенг тақсимланишини таъминлайдиган (горизонтал) ҳолатда лойиҳалаштирилади.

39. Қиялиги 0,5 фоиздан юқори бўлган участкаларда мазкур Йўриқноманинг 4-иловасига* мувофиқ схема бўйича котлован (чуқурлик) поғонаси (каскади) лойиҳалаштирилади.

40. Котлованнинг (чуқурликнинг) юқоридаги ва навбатдаги оралик деворлар баландлиги, шунингдек, иккита ёнма-ён котлованлар (чуқурликлар) деворларининг ўлчамлари орасидаги фарқ 1 метрдан ошмаслиги лозим. Оралик деворларнинг тепа қисми бўйича чиқинди ташиш техникаларининг киришига мўлжалланган вақтинчалик кириш йўли лойиҳалаштирилади.

41. Филтрация коэффиценти белгиланган меъёрдан 30 — 50 фоиз ортиқ бўлганда тупроқ қатламини зичлаш чораларини кўриш лозим.

42. Котлованларнинг (чуқурликларнинг) чуқурлиги қоида тариқасида, 3 — 6 метр ва кенлиги 6 — 12 метр бўлиши лозим. Улар шамол йўналишига перпендикуляр ҳолатда жойлаштирилади.

6-§. Хўжалик ҳудуди ва муҳандислик иншоотларини лойиҳалаштириш

43. Хўжалик ҳудуди — маъмурий ва маиший бинолар, назорат пункти, техникаларни сақлаш ва автотарози айвони, ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари ва бошқа моддий қийматликларни сақлаш омборлари, чиқиндиларни саралаш ускуналари, сув ва электр тармоқлари каби бошқа иншоотларни жойлаштириш учун лойиҳалаштирилади.

44. Хўжалик ҳудуди қаттиқ қопламали майдонга эга бўлиши, тунги вақтларда ёритилиши, атрофи тўсилган бўлиши ҳамда қаттиқ маиший чиқиндиларни жойлаштириш майдонига кириладиган йўлга эга бўлиши лозим.

45. Полигонларнинг хўжалик ҳудудига кириш жойида дарвоза ёки шлагбаум ўрнатилади.

46. Чиқинди ташиш техникаларини ювишга мўлжалланган майдон хўжалик ҳудудидан ташқарида бўлиши керак. Чиқинди ташиш техникаларини ювиш ҳаво ҳарорати 5°C дан юқори бўлганда амалга оширилади.

* 4-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

47. Йилига 360 минг м³ дан ортиқ қаттиқ майиш чiqиндилар қабул қилинадиган йирик полигонларда сув таъминоти артезиан қудуқлари орқали амалга оширилади. Ушбу қудуқлар полигонларнинг умумий лойиҳаси таркибида назарда тутилади.

48. Полигонлардан чиқишда чiqинди ташиш техникалари филдиракларини ювиш учун узунлиги 8 метр, эни 3 метр ва чуқурлиги 0,3 метр ўлчамдаги темир бетонли қурилмага эга бўлган назорат-дезинфекция ҳудуди мавжуд бўлиши керак. Ушбу қурилма махсус дезинфекцияловчи воситалар билан тўлдирилади.

49. Ёнғин ўчириш учун мўлжалланган сув захирасининг (сифимининг) ҳажми 108 м³ дан кам бўлмаслиги ҳамда ундан ёнғин ўчириш автомобиларининг сув олишлари учун шароит яратилган бўлиши лозим.

50. Полигонларнинг бутун ҳудуди периметри бўйича тўсиқ ўрнатилади.

7-§. Санитария-муҳофаза зонаси ва мониторинг тизими

51. Санитария-муҳофаза зонасида полигон периметри бўйлаб 5 — 8 метр кенгликда йўлак қурилади, унинг чегараси бўйлаб дарахт ва бута қўчатлари экилади, муҳандислик коммуникациялари (сув қувурлари, канализация) ётқизилади ҳамда электр ёритиш қурилмалари ўрнатилади.

52. Санитария-муҳофаза зонасида турар жойлар ва ичимлик суви қудуқлари жойлаштирилмайди.

53. Полигоннинг ер ости сувларига таъсирини назорат қилиб бориш учун ер ости сувлари оқими бўйича полигондан юқори ва пастки ҳудудларда мониторинг қудуқлари барпо этилади.

54. Биринчи мониторинг қудуғи ер ости сувлари оқими бўйича полигоннинг юқори ҳудудида барпо этилади. Мазкур мониторинг қудуғидан олинадиган намуналар ер ости сувларининг дастлабки ҳолатини аниқлайди.

55. Ер ости сувлари оқими бўйича полигондан 100 — 200 метр пастки ҳудудда ҳам 1 та ёки 50 — 100 метр ораликда 2 та мониторинг қудуғи барпо этилади. Мазкур мониторинг қудуғидан олинадиган намуналар полигоннинг ер ости сувларига таъсирини кўрсатади.

56. Мониторинг қудуқлари ер ости сувларига чiqиндилар тушишидан ҳимоя қилинган бўлиши, шунингдек сувдан намуна олинишини таъминлаши лозим.

57. Олинган намуналарга асосан, сув таркибидаги аммиак, нитритлар, нитратлар, гидрокарбонатлар, кальций, хлоридлар, темир, сульфатлар, литий, органик углерод, магний, хром, цианидлар, кўрғошин, симоб, маргимуш, мис, барий ва бошқа кимёвий моддалар миқдори аниқланади.

58. Полигонларда атмосферага чиқарилаётган ташламаларни мониторинг қилиш ёки энергия олиш мақсадида газни фаол ажратиб олиш тизимини ўрнатиш мақсадга мувофиқ.

3-боб. Полигонлардан фойдаланиш**1-§. Полигонларда ишларни ташкиллаштириш**

59. Полигонларда ишларни ташкиллаштириш мазкур Йўриқноманинг 5-иловасига* мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

60. Полигонларда қаттиқ майший чиқиндиларни қабул қилиш мазкур Йўриқноманинг 6-иловасига* мувофиқ Полигонлардан фойдаланиш технологик схемаси асосида амалга оширилади. Технологик схемада йил мавсумларини инобатга олган ҳолда бажариладиган ишлар кетма-кетлиги, қаттиқ майший чиқиндиларни жойлаштириш тартиби ва изоляция қилувчи тупроқни қазиб олиш режаси кўрсатилиши мақсадга мувофиқ.

61. Қаттиқ майший чиқиндиларни қабул қилиш мазкур Йўриқноманинг 7-иловасига* мувофиқ бир йилга мўлжалланган Полигондан фойдаланиш жадвали асосида амалга оширилади.

62. Полигондан фойдаланиш жадвалида қаттиқ майший чиқиндилар жойлаштириладиган хариталар рақами кўрсатилган ҳолда ҳар ой давомида қабул қилинадиган қаттиқ майший чиқиндилар миқдори, уларни изоляция қилиш учун қазиб олиннадиган тупроқ майдони хариталари ёки тупроқтепалар рақамланган ҳолда кўрсатилади. Изоляция қилиш учун қазиб олиннадиган тупроқ ҳажми «м³» ўлчов бирлигида кўрсатилади.

63. Қабул қилинаётган қаттиқ майший чиқиндиларнинг ҳисоби уларнинг зичланмаган ҳолатдаги вазни ёки ҳажми бўйича юритилади. Қабул қилинган қаттиқ майший чиқиндилар миқдори мазкур Йўриқноманинг 8-иловасига* мувофиқ Қаттиқ майший чиқиндиларни қабул қилиш ва ҳисобга олиш китобида ёзма ёки электрон шаклда қайд этиб борилади.

2-§. Чиқиндиларни ташиш техникаларини бўшатиш

64. Полигонда мазкур Йўриқноманинг 9-иловасига* мувофиқ чиқиндиларни ташиш техникаларини бўшатиш схемаси бўйича ишлар узлуксиз амалга оширилади.

65. Полигонга келган чиқинди ташиш техникалари иш харитаси ёнида бўшатилади.

Чиқинди ташиш техникаларини бўшатиш майдони иш харитаси олдида икки қисмга бўлинади.

Майдоннинг бир қисмида чиқинди ташиш техникалари бўшатилади, иккинчи қисмида эса, бульдозерлар ёки зичлагичлар иш олиб боради.

66. Чиқинди ташиш техникаларининг бўшатиш майдонига жойлаштирилиши чиқиб кетаётган техникаларнинг эркин ҳаракатланишини таъминлаши лозим.

Майдоннинг бир қисмида чиқинди ташиш техникаларини бўшатиш учун қабул қилиш давомийлиги 1-2 соатдан ошмаслиги керак.

* 5 — 9-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

3-§. Қаттиқ маиший чиқиндиларни иш харитасига жойлаштириш

67. Чиқинди ташиш техникаларидан тўкилган қаттиқ маиший чиқиндилар иш харитасига жойлаштирилади. Қаттиқ маиший чиқиндиларни полигоннинг бутун юза қисми бўйлаб ва майдондан ташқарига тартибсиз жойлаштирилишига йўл қўйилмайди.

Иш харитасининг қуйидаги ўлчамлари ўрнатилади:

эни 5 метр (траншеяли хариталар учун — 12 метр);

узунлиги — 30 — 150 метр.

68. Қаттиқ маиший чиқиндилар бульдозерлар ёрдамида мазкур Йўриқноманинг 10-иловасига* мувофиқ қалинлиги 0,5 метр бўлган қатламларни ҳосил қилган ҳолда иш харитасига сурилади. 10 — 15 та зичланган қатламлар ҳисобига чиқиндиларни тўкиш майдонидан 2 метр баландликдаги қияликлар ҳосил қилинади.

69. Навбатдаги иш харитасидаги қияликлар «пастдан тепага суриш» усули билан олдингиси томон суриб ҳосил қилинади. 2 метр баландликда зичлаштирилган ҳар бир чиқинди қатлами устидан 0,25 метр қалинликдаги тупроқ қатлами ётқизиблиб, изоляция қилинади.

Иш хариталарининг тўлишига кўра иш кўлами, мазкур Йўриқноманинг 11-иловасига* мувофиқ хариталарни тўлдириш кетма-кетлиги бўйича олдинги (ўтган) кунда тўлдирилган хариталардан ортга қараб давом эттирилади.

70. Қаттиқ маиший чиқиндиларни «тепадан пастга суриш» усулида «пастдан тепага суриш» усулидан фарқли равишда, мазкур Йўриқноманинг 12-иловасига* мувофиқ чиқинди ташиш техникаларидаги қаттиқ маиший чиқиндилар олдинги (ўтган) кундаги изоляцияланган юқори иш харитаси устига тўкилади. Қаттиқ маиший чиқиндиларни пастга суриб ётқизишда қиялик баландлиги 2 метрдан ортмаслиги лозим.

Иш хариталарининг тўлишига кўра иш кўлами, мазкур Йўриқноманинг 13-иловасига* мувофиқ хариталарни тўлдириш кетма-кетлиги бўйича олдинги (ўтган) кунда тўлдирилган хариталар олдинга қараб давом эттирилади.

71. Чиқинди ташиш техникаларидан тўкилган қаттиқ маиший чиқиндиларни иш харитасига суриш барча турдаги бульдозерлар ёрдамида амалга оширилиши мумкин. Иш харитасига жойлаштирилган қаттиқ маиший чиқиндиларни 0,5 метр қатлам қилиб зичлаш 14 тонна оғирликдаги бульдозер ёки қуввати 100 — 130 от кучига тенг бўлган трактор ёрдамида амалга оширилиши мумкин.

72. Зичланадиган ҳар бир қатламнинг қалинлиги 0,5 метрдан ошиб кетмаслиги лозим. Зичлаш ишлари бульдозерни бир жойдан иккинчи жойга 2 — 4 марта ҳаракатлантириб амалга оширилади. Қаттиқ маиший чиқиндиларни зичлаш жараёнида бульдозерларнинг иш харитасининг томонлари узунаси бўйлаб ҳаракатланиши талаб этилади.

73. Бульдозернинг 2 марта ҳаракатланиши натижасида чиқиндиларнинг

* 10 — 13-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

зичлашиш даражаси 570 — 670 кг/м³, 4 марта ҳаракатланиши натижасида эса, ушбу кўрсаткич 670 — 800 кг/м³ ни ташкил этади.

74. Зичланган чиқинди қатламларининг оралиқ ва якуний изоляцияси тупроқ билан амалга оширилади. Қаттиқ майший чиқиндиларни очик ва чуқур бўлмаган иш хариталарига жойлаштиришда оралиқ изоляция қилиш ишлари иссиқ кунларда ҳар куни, совуқ кунларда эса уч кундан кўп бўлмаган оралиқда амалга оширилади. Оралиқ изоляция қатлами 0,25 метр қалинликни, текисловчи ёрдамида зичланганда эса, 0,15 метр қалинликни ташкил этади.

75. Тупроқ олиш ва уни иш харитасига ташиб келтириш мазкур Йўриқноманинг 14-иловасига* мувофиқ тупроқ етказиб бериш схемаси бўйича скреперлар ёрдамида амалга оширилади.

76. Куз ва қиш мавсумида изоляция материали сифатида қурилиш ва ишлаб чиқариш чиқиндилари (оҳак чиқиндилари, мел, сода, гипс, графит ва б.), шунингдек, истисно тарзида вақтинчалик изоляция учун қор ишлатилиши мумкин.

77. Баҳор фаслида ҳарорат 5°C дан ошган ҳолларда қор билан изоляцияланган майдонлар тупроқ билан қопланади. Қор билан изоляция қилинган қатлам устига навбатдаги қават жойлаштирилмайди.

4-боб. Атроф-муҳит муҳофазаси

78. Полигонлардан фойдаланишда мазкур Йўриқноманинг 5-иловасига мувофиқ схема бўйича келтирилган кетма-кетликка риоя этилиши атроф-муҳит муҳофазаси бўйича асосий талабларнинг бажарилишини таъминлайди.

79. Полигоннинг масъул хизматчиси ҳар ўн кунда санитария-муҳофаза зонасини кўздан кечириб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш чораларини кўради (тартибсиз жойлаштирилган қаттиқ майший чиқиндиларни бартараф қилиш, ҳудудни тозалаш ва б.).

80. Полигон ҳудудида атроф-муҳитга зарар етишининг олдини олувчи махсус техник мосламаларни қўлламаган ҳолда қаттиқ майший чиқиндиларни ёқиш қатъиян ман этилади.

81. Қаттиқ майший чиқиндилар билан бирга жойлаштирилишига йўл қўйиладиган саноат чиқиндилари портлаш, ўз-ўзидан алангаланиш ёки ёниш хусусиятларига эга бўлмаслиги керак.

5-боб. Полигонни ёпиш ва рекультивация қилиш

82. Фойдаланиш муддати 15 йилдан ортиқ бўлган полигонларда уларнинг лойиҳавий кўрсаткичидан 10 фоиз ортиқ миқдоргача қаттиқ майший чиқиндиларни қабул қилишга йўл қўйилади.

83. Полигонларда заҳарли ва портлаш хавфини туғдирадиган газларнинг ажралиб чиқиши сабабли, улар ёпилганидан кейин камида 40 йил ушбу ҳудудда капитал қурилиш ишларини олиб боришга йўл қўйилмайди.

* 14-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

84. Полигонни ёпиш учун қуйидагиларнинг мавжуд бўлиши талаб этилади:

якуний (юқори) изоляция қилувчи қоплама;
филтратни бошқариш тизими;
газни бошқариш тизими.

85. Якуний (юқори) изоляция қилувчи қоплама полигон ёпилишидан олдин барча котлованларни (чуқурликларни) тупроқнинг якуний қатлами билан ёпишни назарда тутади.

86. Якуний (юқори) изоляция қилувчи қопламанинг тузилиши ер майдонидан келгусида қандай мақсадда фойдаланилишига боғлиқ ҳолда белгиланади. Дарахтзор ташкил этишда, тепалик ва бошқа баландликларни ҳосил қилиш учун фойдаланишда тупроқнинг устки изоляция қатлами 0,6 метрдан кам бўлмаслиги лозим.

87. Қаттиқ майший чиқиндиларнинг устки қатлами изоляция билан қоплангунига қадар унинг зичланиш даражаси 750 кг/м^3 ни ташкил этиши лозим.

88. Полигонларнинг ташқи қияликларини мустаҳкамлаш ишлари қаттиқ майший чиқиндиларни жойлаштириш баландлиги ортишига мутаносиб равишда давом эттирилади. Полигонларнинг ташқи қияликларини қоплашда уни барпо этишда кўчириб олинган унумдор тупроқдан фойдаланилади.

89. Шамол кўчириб кетиши ёки қияликлардаги тупроқ ювилиб кетилишининг олдини олиш учун якуний (юқори) изоляция қопламасини кўкаламзорлаштириш талаб этилади. Қияликлар бўйлаб ихота дарахтзорлари барпо этилади. Экиладиган дарахт ва бутасимон ўсимликлар (оқ қайин, тол, терак ва бошқалар) маҳаллий иқлим шароитидан келиб чиққан ҳолда танланади.

90. Филтратни бошқариш тизими лойиҳаси, қоида тариқасида, полигоннинг умумий лойиҳасига киритилади.

91. Газни бошқариш тизими полигондан фаол фойдаланиш даврида барпо этилади. Полигон ёпилганидан сўнг, ушбу тизимни янада мустаҳкамлаш ва барқарорлаштириш мақсадида унга тегишли ўзгартиришлар киритиш (шамоллатиш қувурини герметик жиҳозлаш, полигон остига ҳаво киришидан ҳимоялаш ва ҳ. к.) зарур.

92. Полигон ёпилганидан сўнг, унинг майдонини рекультивация қилишга ётқизилган тупроқнинг камида қуйидаги мустаҳкамланиш муддатлари ўтганидан кейин йўл қўйилади:

кўп йиллик ўтларни экиш, пичанзор ва майсазорлар барпо этишда — 1 йил;

дарахт ва буталарнинг ниҳол ҳамда кўчатларини экишда — 2 йил.

93. Ёпилган полигонларда рекультивация қилишнинг ўрмон хўжалиги (дарахтзорлар барпо қилиш) ва рекреация йўналишлари энг мақбул йўл ҳисобланиб, рекультивация ишлари мазкур Йўриқноманинг 15-иловасига* мувофиқ Полигонни рекультивация қилиш технологик схемаси бўйича амалга оширилади.

* 15-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

94. Полигонни рекультивация қилиш технологик схемасига мувофик рекультивация ишлари техник ва биологик босқичларда амалга оширилади.

95. Рекультивация қилишнинг техник босқичида полигон қиялиги махсус техника ёрдамида текисланади, унинг рекультивация қилинадиган устки қатламга 0,2 метр қалинликда унумдор тупроқ бир текисда ётқизилган ҳолда рекультивация қатлами ҳосил қилинади.

96. Рекультивация қилишнинг техник босқичи якунига кўра, полигоннинг рекультивация қилинадиган ҳудуди рекультивация қилишнинг биологик босқичини амалга ошириш учун топширилади.

97. Рекультивация қилишнинг биологик босқичида тупроқ эрозиясига қарши, ландшафт-кўкаламзорлаштириш аҳамиятига эга ўрмонзорлар (дарахтзорлар) барпо этилиб, бу қуйидаги тадбирларни ўз ичига олади:

дастлабки йилда — кўкаламзорлаштириш учун ерни уруғ экишга тайёрлаш, кўп йиллик ўт уруғларини экиш (сепиш), экинзорларни парваришлаш;

келгуси йилда — маҳаллий иқлим шароитидан келиб чиққан ҳолда, кўп йиллик дарахт ва бута турларини танлаш, дарахт ва буталарни (уруғ, ниҳол ва кўчатларини) экиш, экинзорларни парваришлаш.

6-боб. Якуний қоидалар

98. Ушбу Йўриқнома талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

99. Мазкур Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси, Қурилиш вазирлиги, Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси ҳамда Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси билан келишилган.

Соғлиқни сақлаш вазири

А. ШАДМАНОВ

2019 йил 30 сентябрь

*Уй-жой коммунал хизмат
кўрсатиш вазири*

М. САЛИЕВ

2019 йил 2 октябрь

*Фавқулодда
вазиятлар вазири в. б.*

Т. ХУДАЙБЕРГЕНОВ

2019 йил 19 сентябрь

Қишлоқ хўжалиги вазири

Ж. ХОДЖАЕВ

2019 йил 7 октябрь

Сув хўжалиги вазири

Ш. ХАМРАЕВ

2019 йил 19 сентябрь

*Бандлик ва меҳнат
муносабатлари вазири*

Н. ХУСАНОВ

2019 йил 11 октябрь

*Ўзбекистон Касаба уюшмалари
Федерацияси раиси*

К. РАФИКОВ

2019 йил 23 сентябрь

Қурилиш вазири

Б. ЗАКИРОВ

2019 йил 14 октябрь

*Давлат геология ва минерал
ресурслар қўмитаси раиси*

Б. ИСЛАМОВ

2019 йил 2 октябрь

*Ер ресурслари, геодезия,
картография ва давлат кадастри
давлат қўмитаси раиси*

А. АБДУЛЛАЕВ

2019 йил 15 октябрь

*Саноат хавфсизлиги давлат
қўмитаси раиси в. б.*

Б. ГУЛЯМОВ

2019 йил 23 сентябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР
ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

**880 «Ҳарбий-техника мутахассисликлари бўйича тайёр-
гарликдан ўтиши лозим бўлган чақирилувчиларни
тайёрлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги
қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
20 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2575-1*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 сентябр-
даги 749-сон «Чақирилувчиларни ҳарбий-техника мутахассисликлари бўйича
тайёрлаш марказлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғриси-
да»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ва
Фавқулодда вазиятлар вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ва Фавқулодда вазият-
лар вазирлигининг 2014 йил 24 мартдаги 6 ва 4-сон «Ҳарбий-техника мута-
хассисликлари бўйича тайёргарликдан ўтиши лозим бўлган чақирилувчи-
ларни тайёрлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қаро-
ри (рўйхат рақами 2575, 2014 йил 16 апрель) (Ўзбекистон Республикаси
қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 16-сон, 183-модда) ўз кучини йўқот-
ган деб топилсин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси мудофаасига кўмаклашувчи
«Ватанпарвар» ташкилотининг Марказий кенгаши билан келишилган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга ки-
ради.

Мудофаа вазири

Б. КУРБАНОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 31 октябрь,
34-сон

**Фавқулодда
вазиятлар вазири в. б.**

Т. ХУДАЙБЕРГЕНОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 31 октябрь,
28-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 20 ноябрда
эълон қилинган.

Келишилган:

Мудофаага кўмаклашувчи
«Ватанпарвар» ташкилоти
Марказий кенгаши раиси

Р. НИЯЗОВ

2019 йил 31 октябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

881 Банк хизматлари истеъмолчилари билан ўзаро муносабатларни амалга оширишда тижорат банкларининг фаолиятига қўйиладиган минимал талаблар тўғрисидаги низомга қўшимчалар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
22 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3030-3*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Марказий банк Бошқаруви қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 28 апрелдаги 16/18-сон қарори (рўйхат рақами 3030, 2018 йил 2 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 йил 9 июль, 27-сон, 553-модда) билан тасдиқланган Банк хизматлари истеъмолчилари билан ўзаро муносабатларни амалга оширишда тижорат банкларининг фаолиятига қўйиладиган минимал талаблар тўғрисида низомга иловага мувофиқ қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Марказий банк раисининг
биринчи ўринбосари**

И. НОРҚУЛОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 26 октябрь,
26/2-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 22 ноябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил
26 октябрдаги 26/2-сон қарорига
ИЛОВА

**Банк хизматлари истеъмолчилари билан ўзаро
муносабатларни амалга оширишда тижорат банкларининг
фаолиятига қўйиладиган минимал талаблар тўғрисидаги
низомга киритилаётган қўшимчалар**

1. Қўйидаги мазмундаги 36⁵-банд билан тўлдирилсин:

«36⁵. Банк қарз олувчининг ва (ёки) гаровга қўювчининг суғурта компанияси ва (ёки) баҳоловчини танлаш ҳуқуқини чекламаслиги лозим.».

2. Қўйидаги мазмундаги 37³ ва 37⁴-бандлар билан тўлдирилсин:

«37³. Қарз олувчи-юримдик шахснинг хорижий валютада кредит олишга бўлган танлови ва бундай танловга кўра хорижий валюта курсининг ўзгариши натижасида хорижий валютада олинган кредит бўйича миллий валютадаги қарз юкининг ошиши билан боғлиқ равишда келиб чиқадиган оқибатлар банк ва қарз олувчи ўртасида тузилган кредит шартномасида акс этирилиши шарт.

37⁴. Банк қарз олувчи томонидан шартномага асосан кредит (қарз) бўйича қарздорлик суммасини тўлаш мажбурияти тўлиқ бажарилган санадан бошлаб уч иш кунидан кечиктирмаган ҳолда мазкур қарз бўйича:

гаровда турган мулкни тақикдан чиқариш;

гаров сифатида бўлган мол-мулкка нисбатан банкнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги ёзувни гаров реестридан чиқариш чораларини кўриши шарт.».

3. Қўйидаги мазмундаги 38¹ — 38³-бандлар билан тўлдирилсин:

«38¹. Банк томонидан мижознинг банк ҳисобварағи ва (ёки) банк омонати, шу жумладан, банк карталари бўйича (банк карталаридан фойдаланаётган пайтда «PIN-код»ни нотўғри теририлиши оқибатида блокировкага тушган ҳолатлар бундан мустасно) амалиётлар тўхтатиб қўйилганда, банк амалиёт тўхтатилган санадан бошлаб кейинги иш кунидан кечиктирмаган ҳолда ҳисобварақ ёки омонат эгасига унинг ҳисобварағига хизмат кўрсатиш тўхтатилганлиги ва унинг сабаблари юзасидан хабарнома (маълумотнома) юбориши шарт.

38². Банк томонидан кредитлар, микроқарзлар ва лизинг бўйича қарздорликларни сўндириш учун банк ҳисобварағи ва (ёки) банк омонатидан (шу жумладан, банк карталари бўйича) маблағлар ҳисобварақ (омонат) эгасининг топшириғисиз ҳисобдан чиқарилганда, банк ушбу маблағ ҳисобдан чиқарилган санадан бошлаб кейинги иш кунидан кечиктирмаган ҳолда ҳисобварақ (омонат) эгасига унинг ҳисобварағидан қанча миқдордаги маблағ қандай сабабларга асосан ва кимнинг фойдасига чиқарилганлигини кўрсатган ҳолда хабарнома (маълумотнома) юбориши шарт.

38³. Мазкур Низомнинг 38¹ ва 38²-бандларида назарда тутилган хабарномалар (маълумотномалар) мижозларга шахсан, почта ёки электрон алоқа

воситалари ва бошқа коммуникация каналлари орқали топширилиши мумкин. Хабарномани (маълумотномани) олиш усули истеъмолчи томонидан мустақил равишда танланади ва танланган усул банк ҳисобварағи ёки омонати шартномасида кўрсатилиши лозим. Мижоз хабарнома (маълумотнома) етказиш усулини банкка шахсан ёки почта орқали ёзма ариза тақдим этиш йўли билан ўзгартириш ҳуқуқига эга. Бунда мижоздан қабул қилинган ариза банк томонидан унинг банк ҳисобварағи бўйича йиғмажилдида ёки омонат ҳисобварақлари бўйича алоҳида картотекада сақланади.

Хабарномани (маълумотномани) мижозга етказиш усули ўзгарганлиги муносабати билан банк ҳисобварағи ёки омонати шартномасига ўзгартиришлар киритиш талаб этилмайди.».

4. Қуйидаги мазмундаги 50¹-банд билан тўлдирилсин:

«50¹. Банкнинг мансабдор шахслари томонидан шахсий қабулни ўтказишга доир талаб билан жисмоний шахслардан ва юридик шахсларнинг вакилларидан ёзма мурожаатлар келиб тушганда, банк ушбу мурожаатлар келиб тушган санадан бошлаб 7 кундан кечиктирмаган ҳолда ушбу шахсларга банкнинг мансабдор шахсларига қабул санаси ва вақти кўрсатилган ҳолда қабул белгиланганлиги, шунингдек қабулни амалга оширадиган банк мансабдор шахсларининг фамилияси, исми, отасининг исми ва лавозимини кўрсатган ҳолда хабарнома юбориши лозим.».

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини
давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2019 йил 16 ноябрдан 22 ноябргача
бўлган маълумотни маълум қилади

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2019 йил 17 октябрдаги 12-сон «Қаттиқ маиший чиқинди полигонларини лойиҳалаштириш ва улардан фойдаланиш бўйича йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2019 йил 19 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3197.

2. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг 2019 йил 31 октябрдаги 34, 28-сон «Ҳарбий-техника мутахассисликлари бўйича тайёргарликдан ўтиши лозим бўлган чақирилувчиларни тайёрлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2019 йил 20 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2575-1.

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 26 октябрдаги 26/2-сон «Банк хизматлари истеъмолчилари билан ўзаро муносабатларни амалга оширишда тижорат банкларининг фаолиятига қўйиладиган минимал талаблар тўғрисидаги низомга қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

2019 йил 22 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3030-3.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон «Ўзкоммунхизмат» агентлиги бош директорининг «Қаттиқ маиший чиқиндилар полигонларини лойиҳалаштириш ва улардан фойдаланиш бўйича йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2810, 2016 йил 14 июль).

Адлия вазирининг 2019 йил 19 ноябрдаги 515-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

2. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг «Ҳарбий-техника мутахассисликлари бўйича тайёргар-

ликдан ўтиши лозим бўлган чақирилувчиларни тайёрлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2575, 2014 йил 16 апрель).

Адлия вазирининг 2019 йил 20 ноябрдаги 516-мх-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.